

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШ» ФАКУЛЬТЕТИ

«МЕНЕЖМЕНТ» КАФЕДРАСИ

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

*Битирув малакавий иши мавзуси:*

**Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қурилиш корхоналарида  
бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари (“SHOVOT MAXSUS  
BINO QURILISH” MChJ мисолида)**

*Талабанинг фамилияси, исми ва шарифи:* **Собирова Фозила**

*Кафедра мудири:*

**доц.Давлетов И.Х.**

*Битирув малакавий иши рахбари:*

**доц.Давлетов И.Х.**

**ТОШКЕНТ – 2014**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	5
<b>1-БОБ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ташкилотларда бошқарув самарадорлигини оширишнинг назарий асослари</b> .....	9
1.1. Қурилиш корхоналарида бошқарув самарадорлиги ва унинг асосий кўрсаткичлари.....	9
1.2. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона бошқарув самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар.....	20
1.3. Мустақиллик йилларида қурилиш корхоналари фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар тўғрисида .....	28
<b>2-БОБ. “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ фаолиятининг таҳлили</b> .....	36
2.1. “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ фаолияти тавсифи ва унинг таркибий тузилиши.....	36
2.2. “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили .....	41
2.3. “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг бошқарув фаолиятига таъсир этувчи молиявий кўрсаткичлари таҳлили.....	46
<b>3-БОБ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари</b> .....	55
3.1. Иқтисодиётни модернизация қилиш орқали қурилиш корхоналари бошқарув фаолиятини такомиллаштириш.....	55
3.2.“Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари.....	59
<b>Хулоса</b> .....	65
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	69

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги туб ўзгаришлар, бошқаришнинг маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтиши кишилар ҳаётидаги сифат ўзгаришларига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотлар ва иқтисодиётни модернизациялаш натижасида охириги 4-5 йилда жаҳоннинг аксарият давлатларида иқтисодий ўсиш ўрнига иқтисодий танглик ва ҳаттоки, рецессия бўлиб турган бир вақтда дунёнинг санокли давлатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам иқтисодий барқарорлик ва тез суръатларда иқтисодий ўсишга эришилмоқда. Бунинг асосида давлатимиз раҳбарияти томонидан хусусан, мухтарам Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида олиб борилаётган ислохотларнинг тўғрилиги, яъни бошқариш тизимининг самарали ишлаши натижасидир.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона ва ташкилотлар ҳамда барча хўжалик субъектларининг асосий мақсади даромад, фойда олишга қаратилгандир. Аммо бунга бошқарув тизимида самарадорликни таъминламай туриб эришиб бўлмайди. Шунинг учун кўплаб корхона, ташкилотлар, фирма ва хўжалик субъектларнинг бош мақсади бошқарув тизимида самарадорликни таъминлаш ва шу самарадорликни таъминловчи оптимал структурани танлашга катта эътибор қаратишади. Республикамиз бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш, ҳамда ижтимоий-иқтисодий алоқаларни узилиши ҳамда ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари кўплаб корхоналарни ночор аҳволга солиб қўйди.

Ўтган йил яқунларини сарҳисоб қилар эканмиз, авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2013 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди,

аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади.

Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот 8 фоизга ўсгани, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга қишлоқ хўжалиги - 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди. 500 дан ортиқ реал сектор корхонасида ишлатилаётган 160 мингдан зиёд ускуна бўйича ўтказилган техник аудит натижаларига кўра, ускуналарнинг 30 фоиздан ортиғи эскирган. Хусусан, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 20 фоизи эскирган. 2014 йилда 388 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 11 мингта намунавий уй жой барпо этиш кўзда тутилган.<sup>1</sup>

Ҳозирги вақтда бутун Ўзбекистонимиз, таъбир жоиз бўлса, улкан қурилиш майдонига айланган. Хусусан, вилоятлар марказларини бош режа асосида ривожлантириш мақсадида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2013 йилнинг ўзида қишлоқ аҳлига уй-рўзғор буюмлари сотиб олиш учун қарийиб 68 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари, ёш оилаларга уй-жой қуриш ва уларнинг шу борадаги интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 346 миллиард сўмдан ортиқ, яъни ўтган йилга нисбатан 10 фоиз кўп ипотека кредитлари ажратилганини таъкидлаш зарур.<sup>2</sup>

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг қурилиш тармоғи барқарор ривожланмоқда ва мамлакат иқтисодиётида муҳим рол эгалламоқда. Қурилиш иқтисодиётининг барча тармоқларига хизмат кўрсатиб, асосий фондларни қайта ишлаб чиқариш учун шароитларни таъминлаш, иқтисодиётнинг мақбул тартибини барпо этиш, ишлаб чиқарувчи

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи 2014 йил 18 январ.

<sup>2</sup> Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Uz. Report.com

кучларни мувофиқ жойлаштириш, бўш меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишга ёрдам бермоқда. Бу ўринда бозор иқтисодиёти шароитида мазкур тармоқ иқтисодиётининг асосий бўғини бўлган қурилиш корхонаси иқтисодиётини амалий жиҳатдан чуқур ўрганиш муҳим ўрин тутди. Қурилиш тармоғини янада ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири қурилиш корхоналарининг бошқарув фаолиятини самарали ташкил этишдан иборат. Бу эса қурилиш ташкилотларидаги бошқарув самарадорлигини, шунингдек ишчи ходимлар фаолиятини самарали ташкил этишнинг назарий асослари ва амалий тартибларини чуқур ўрганишни талаб этади ва долзарб масалалардан эканлигини келтириб чиқаради.

**Битирув малакавий ишининг предмети** – иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қурилиш корхонасининг бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари.

**Битирув малакавий иши объекти** -“Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ.

**Битирув малакавий ишининг мақсади.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ мисолида қурилиш корхоналари бошқарувини такомиллаштириш йўлларини тадқиқ этиш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларнинг бажарилиши талаб этилади:

- қурилиш корхоналарида бошқарув самарадорлигини оширишнинг назарий ва илмий-услубий асосларини ўрганиш;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қурилиш корхонаси бошқарув самарадорлигига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш;
- “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

- “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг бошқарув тизмини таҳлил этиш;

- “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖда бошқарув тизими самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан, Республикамиз ва хорижда чоп этилган адабиётлардан, даврий нашрларда чоп этилган илмий мақолалардан, ўқув дарсликлар ва қўлланмалардан, ҳукумат идораларининг расмий сайтларида келтирилган маълумотлардан, “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг 2011-2013 йиллардаги ҳисоботларидан фойдаланилди.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми.** Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **1-БОБ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ташкилотларда бошқарув самарадорлигини оширишнинг назарий асослари**

### **1.1. Қурилиш корхоналарида бошқарув самарадорлиги ва унинг асосий кўрсаткичлари**

Бошқарув — бу бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик фаолиятини юритувчи ҳар қандай ташкилотда ресурслардан фойдаланишда рационал йўл тутиб, максимал фойда олишга қаратилган профессионал маҳорат билан бошқарувни амалга ошириш демакдир. Ёки бўлмаса бошқарув — турли фаолият турларини уларнинг мақсадлари, бажариш шароитлари, амалга ошириш босқичларини ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштириш жараёни.

Бошқарув жараёни ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятининг ажралмас қисмидир, унинг самарадорлигини корхонанинг охириги натижалари бўйича хулосадан аниқлаш мумкин.

Корхонани бошқариш экан, унинг самарадорлигига эришиш раҳбар учун жуда муҳимдир. Бу ерда раҳбар бошқарув субъекти сифатида бошқарилувчи объектларга ўз таъсирини шундай кўрсатиши зарурки, токи корхонанинг ҳам ички, ҳам ташқи муҳитида барқарорлик ҳукмрон бўлсин.

Кенг маънода самарадорлик иш маҳсулдорлиги, яъни кўзланган мақсадларга нисбатан ишлаб чиқариш ҳаражатларини таққослаган тарзда эришишдир. Лотин тилида эффект (самарадорлик) таъсирчан, ишлаб чиқарувчан, керакли натижа берадиган маънони англатади. У инсон фаолиятининг барча соҳаларида: иқтисодиётда, фанда, техникада қўлланилади.

Бошқариш самарадорлиги деганда унинг ташкилот томонидан белгилаб олинган мақсадларга эришишни таъминлайдиган хусусияти тушунилади. Миқдор жиҳатдан бошқариш самарадорлиги натижанинг унга нисбатан талаб этиладиган ҳаражатларнинг муносабати сифатида тушунилади.

Самарадорлик ички ва ташқи самарадорликка ажратилади.<sup>3</sup>

---

<sup>3</sup> Глухов В.В. Менежмент: учебник.-СПБ.: Спецлит.2007.с.361

Ички самарадорлик - бу тежамкорлик (иқтисод қилиш), яъни мавжуд ресурсларни энг яхши (оптимал) равишда тақсимлаш ва фойдаланиш имкониятидир.

Ташқи самарадорлик - ташкилотнинг мақсадларига эришиш даражасини белгилайдиган менежмент натижавийлиги.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «Самара» – бу натижа, оқибат, мева, ижодий меҳнат самараси. “Самарадорлик” – бу ўтилганича ёки ундан ҳам ортиқ самара, сермахсул меҳнат каби талқин этилган.

Иқтисодиётда «самара» – бу яратилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ялпи миллий даромад (ЯМД), ялпи соф маҳсулот (ЯСМ), ялпи соф даромад (ЯСД) кабиларда ўз аксини топади.


Аммо биргина самаранинг ўзи иш фаолиятини тўлиқ ифодалай олмайди. Энг мухими шу самарага қандай харажатлар эвазига эришилганини аниқлашдир. Зеро бир хил харажат қилиб турли самара олиниши мумкин бўлганидек, бир хил самарага турли хил меҳнат сарфи туфайли эришиш ҳам мумкин.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мақсади ҳам оз меҳнат, моддий ва пул маблағлари сарфлаб кўпроқ самарага эришишдир. Самарани (С) сарфланган харажатга (Х) бўлиб таққослаш самарадорлик (СД) нисбий кўрсаткичини беради.

$$СД = \frac{С}{Х} \quad (1.1.1)$$

Касрнинг махражи – бу абсолют миқдорлар бўлиб, улар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида сарфланган ялпи меҳнат (ЯМ), ялпи хомашё (ЯХ), ялпи фондлар (ЯФ), ялпи инвестиция (ЯИ) лардир.

Шундай қилиб, бошқарув самарадорлиги – бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда бошқаришнинг ролини оширишдан иборатдир.



**1.1.1 - расм. Бошқарув самарадорлигини баҳолаш бўйича ҳисоб-китоб қилиш схемаси**

Мезон (критерий) – бу таққослаш ёки баҳолаш учун ўлчов, андоза. Масалан, меҳнат – киши қадр-қийматининг мезонидир.

Бошқарув меҳнати самарадорлигининг мезони қуйидаги кўринишга эга:

$$\frac{C}{B_x} \geq 1 \quad (1.1.2)$$

бу ерда,

c-самара;

B<sub>x</sub>-бошқарув харажатлари.

Бошқарув харажатлари таркибига қуйидагилар киради:

- ахборот олиш ва уни қайта ишлаш;

- бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар;

- илмий ишланмалар, лойихалаш, тажриба ва серияли ишлаб чиқаришни ўз ичига олувчи босқичлар харажати;

- махсулотлардан фойдаланиш харажатида иборатдир.

Бошқача қилиб айтганда, бунга бошқарувнинг барча функцияларини бажариш билан боғлиқ харажатлар киради.

Бошқариш объекти фаолиятини тавсифлаш учун қуйидаги самарадорлик мезонлари қўлланилади:

1. Умумлаштирувчи мезонлар:

- энг кўп ресурслар самарадорлиги;
- энг кўп харажатлар самарадорлиги.

2. Хусусий мезонлар:

- махсулот ишлаб чиқаришга энг кам жонли меҳнат сарфлаш;
- энг кам моддий ресурслар сарфлаш;
- энг кам молиявий ресурсларни сарфлаш.

3. Сифат мезонлари:

- юқори сифатли махсулот ишлаб чиқариш;
- шартномаларни муддатида бажариш;
- ходимларнинг барқарорлиги;
- рақобатбардош технологияга эришиш ва х..

Бинобарин, бошқариш жараёни самарадорлигини ошириш, бажарилган мезонлар ёки мезонлар тизимида мувофиқ равишда бошқарувчи орган томонидан муайян натижага эришиш мақсадида объектни энг қулай, энг самарали бошқариш усулларини топишдан иборатдир.

Бошқарув субъекти фаолиятини тавсифлаш учун, қуйидаги самарадорлик мезонлари қўлланилади:

1. Бошқариш тизимидаги молиявий харажатларни тежаш. Бошқариш аппарати харажатлирининг камайиши бошқарилувчи тизим самарадорлигининг иқтисодий мезони бўлиши мумкин. Бу ўринда бошқарув

аппарати штатларини оқилона қисқартириш, хизмат сафарларини камайтириш кабилар тежамкорликнинг муҳим омилларидир.

2. Бошқариш тизимида жонли ва буюмлашган меҳнатни тежаш. Бу мезон кучларни энг кўп даражада тежаш ва меҳнатдан энг унумли фойдаланишни кўзда тутди. У сермеҳнат ишлар ва операцияларни қисқартиришда, моддий ва меҳнат воситаларини тежашда ифодаланади.

Меҳнатни тежашга бошқарув таркиби ва технологияси жараёнларини рационализациялаш, бошқарув аппаратидаги меҳнатни компьютерлаштириш йўли билан эришилади.

3. Айрим операцияларни бажаришга ва бутун бошқарув жараёнига сарф бўладиган вақт. Бу мезонда бош омил вақтдир. Ахборот тўплаш ва уни қайта ишлашга, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни амалга оширишга сарф бўладиган вақтни ҳар томонлама қисқартириш; бизнес режани тузишга кетадиган вақтни қисқартириш, тезкор топшириқларни етказиш муддатини тезлаштириш, фаолият натижаларини тезкорлик билан баҳолаш орқали иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Қайд килинган мезонларнинг ҳар бири мазкур давр учун иқтисодий – сиёсатда белгиланган мақсадлардан, корхона ёки тармоқнинг аниқ иш шароитлари эътиборга олингани ҳолда бошқарув фаолиятига баҳо бериш учун танлаб олиниши керак.

Бошқариш жараёнининг самарадорлиги бошқарувнинг абсолют барча томонларини қамраб олади ва иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, маркетинг, технологик ва бошқа муносабатлар хусусиятларини ифодалайди. Бошқарув самарадорлигининг бунақа кўп қирралиги уни ифодалашда тушунчаларнинг турли-туманлигини тақозо этади. Улардан бошқарув тизимининг асосига кирувчи муҳимлари қуйидагилар:

- бошқарув ишчилари меҳнатининг самарадорлиги;
- бошқарув аппарати ёки алоҳида унинг органлари ва бўлинмалари бошқарув фаолиятининг самарадорлиги;

- бошқарув жараёнининг самарадорлиги (аниқ бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда);

- бошқарув тизимининг самарадорлиги (бошқарув иерархияси, шунингдек ишлаб чиқаришни бошқаришда ишловчилар қатнашишини ҳисобга олиб);

- бошқарув механизмнинг самарадорлиги (бошқарув услублари, тизимлари ва шакллари).

Бошқариш самарадорлиги ўз табиати билан мураккаб жараён. Уни фақат битта ёки иккита кўрсаткич билан тўла ифодалаб бўлмайди. Бунинг учун кўрсаткичлар тизими зарур. Бу тизимни иккита йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

- миқдорий кўрсаткичлар,

- сифат кўрсаткичлари.

Бошқарув тизими фаолиятини тавсифловчи миқдорий кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- бошқарувдаги жонли меҳнатнинг тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар;

- бошқарув учун сарфланган молиявий ресурсларнинг тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар;

- бошқариш учун сарфланадиган вақтнинг тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Бошқарувнинг ижтимоий самарадорлигини тавсифловчи сифат кўрсаткичларига эса қуйидагилар киради:

- бошқаришнинг илмий-техник даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар;

- бошқарув девони ходимларининг малакаси даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар;

- қабул қилинган қарорлар самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар;

- бошқарув жараёнидаги ахборотларнинг ишончилигини ва тўлиқлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

- бошқариш маданиятини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- коммуникациянинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- бошқарув девонидаги меҳнат шароитини тавсифловчи кўрсаткичлар ва ҳоказо.

Шундай қилиб, бошқарув самарадорлигига баҳо бериш учун жуда кўп турли-туман миқдорий ва сифат кўрсаткичлари қўлланилади. Ҳар бир кўрсаткични қуйидаги тарзда:

- бирор даврнинг ҳақиқий кўрсаткичларини режадаги, меъёрдаги кўрсаткичлар билан;

- жорий даврнинг ҳақиқий кўрсаткичларини ўтган даврлар кўрсаткичлари билан;

- бир корхонанинг ҳақиқий кўрсаткичларини бошқа корхона кўрсаткичлари билан таққослаш керак.

Шундагина иқтисодий таҳлил ҳам макон, ҳам замон нуқтаи назардан амалга оширилган бўлади.

Кўрсаткич тушунчаси баҳоланаётган предметнинг, объектнинг қандайдир хусусиятларини, жихатларини, томонларини тавсифлайди. Бошқарув самарадорлигини белгилайдиган кўрсаткичларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Техникавий кўрсаткичлар. Бу тур кўрсаткичлар бошқарувнинг техник воситаларини (дастгоҳлар, ҳисоблаш техникалари ва бошқалар) фойдаланишнинг сифатларини, белгиларини ва улардан фойдаланиш даражасини аниқлайди.

2. Ташкилий кўрсаткичлар. Бу тур кўрсаткичлар бошқарув жараёнининг тузилиши, ташкилий тузилма, ахборот ва ҳужжатлар билан ишлашни аниқловчи тавсифга эгадир.

3. Ижтимоий кўрсаткичлар. Бу тур кўрсаткичлар бошқарув аппаратининг меҳнат шартларини, санитария-гигиена, рухий-физиологик, эстетик томонларини ва меҳнатнинг ижтимоий омилларини аниқлайди.

Бошқарув самарадорлигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари қуйидагилардир:

- йиллик иқтисодий самара (келтирилган харажатлар тежамкорлиги);
- бошқарувни такомиллаштиришда бир вақтли харажатларни қоплаш муддати;
- бошқарув аппарати меҳнати унумдорлигининг ўсиши.

Йиллик иқтисодий самара қуйидаги тенглама орқали аниқланади:

$$\mathcal{E}_y = \mathcal{E}_{\text{шй}} - Z_y * E_n \quad (1.1.3)$$

Бунда,  $\mathcal{E}_y$  — йиллик иқтисодий самара,  $\mathcal{E}_{\text{шй}}$  — йиллик-шартли тежам,  $Z_y$  — бирвақтли харажатлар,  $E_n$  — солиштирма иқтисодий самарадорликнинг меъёрий коэффициенти (ўлчам, қоплашнинг қайта меъёрий муддатига боғлиқ).

Бошқарув самарадорлиги икки хил усулда ҳисобланиши мумкин:

$$\mathcal{E}_b = P_k / Z_6 \text{ ва } \mathcal{E}_6 = P_6 / Z_6 \quad (1.1.4)$$

Бунда:  $\mathcal{E}_6$  – бошқарув самарадорлиги;

$P_k$  - охирги натижа (самарадорлик корхонадан олинади).

$P_6$  – фақат бошқарув аппарати фаолияти натижаси;

$Z_6$  – бошқарув харажатлари;

Қурилиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг умумий, шунингдек, ҳудудий ва иқтисодий туманлар, тармоқлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари тараққиётининг комплекс ривожланишига ёрдам бермоқда. Унинг фойдали қазилмаларни, янги район ва янги конларни ўзлаштиришда, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдаги ва хорижий инвестицияни жалб қилишдаги ҳиссаси аҳамиятлидир. Ҳар қандай мамлакатнинг барқарор ва мақсадга йўналтирилган иқтисодий-ижтимоий тараққиёти кўп жиҳатдан саноат қурилишининг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Қурилишини бошқариш барча хўжалик механизмлари бошқаруви каби хўжалик юритишда бозор тизимининг афзаллик ва имкониятларини, иқтисодий қонунлардан чуқур ва ҳар томонлама фойдаланишга асосланиши,

ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларидаги ўзгаришларни тўла-тўқис ҳисобга олиш, хўжалик юритишнинг мослашувчан шакл ва услубларини ўзгараётган иқтисодий ривожланиш шартлари, ҳамда ҳал этилаётган вазифалар моҳиятига мос тарзда таъминланган ҳолда ўз ичига камраб олиши лозим.

Қурилиш мажмуасининг бозор муносабатларига ўтиши ташкилот ва корхоналарда хўжалик юритиш услуб ва шакллариининг ўзгаришлари билан олиб борилишини тақозо этади. Ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири - бу давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдир. Бу жараён Ўзбекистон қурилиш мажмуасида шу жумладан, саноат қурилишида ҳам, иқтисодий ислоҳотларнинг ажралмас қисми сифатида амалга оширилмоқда.

Қурилиш миқёси, иштирокчилар сони, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, бошқарувга сарфланадиган ҳаражатларнинг қисқариш заруратидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштиришда мамлакат ва хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, таъкидлаш мумкинки, лойиҳалаштирилувчи саноат қурилишини бошқаришнинг самарадор тизимини иқтисодий математик усуллар ва ҳисоблаш техникаси воситаларидан фойдаланиш асосида ишлаб чиқиш зарур.

Бошқариш жараёни, қайси даражада бўлмасин даврий ва бир вақтнинг ўзида узлуксиз ҳисобланади. Узлуксизлик бир вақтнинг ўзида ва кетма-кет амалга ошириладиган кўплаб циклларни бажаришда вужудга келади. Бошқариш цикли мақсадларни ишлаб чиқишдан бошланади ва уларга эришиш билан якунланади.

Бундай циклнинг асосий босқичлари қуйидагилар ҳисобланади:

- мақсадларни режалаштириш;
- қабул қилинган қарорларни ёки мақсадли функцияларни тартибга солиш;
- эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- янги бошқарув қарорларини танлаб олиш ва белгилаб олиш.

Бу ҳамма цикллар учун асосий бўлиб бошқариш таъсири ҳисобланади. Айнан таъсир қилиш - бошқарувнинг асосидир. Таъсир қилиш, яъни бошқарув таъсирини ўтказиш самарали бўлиши учун қуйидаги асосий шартларга риоя қилиш лозим:

1. Бошқарувчи ёки бошқарилувчи тизимлар сингари бошқарув объекти ва субъекти ўзаро бир-бирига сабаб-оқибат муносабатлари орқали боғлиқ бўлиши керак.

2. Бошқараётган тизимда бошқариш мақсади аниқ бўлиш керак. Бошқараётган тизим бошқариш объектининг ҳолати ҳақидаги ахборотларни - фаолият натижалари, муҳитнинг ўзгариши кабиларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлиши керак.

3. Бошқариш объекти бошқариш таъсирларни қабул қила олиш, ўзлаштириш ва қўйилган вазифани мазмунига мос равишда бажара олиш қобилиятига эга бўлиш керак. Бу шартларни риоя қилиш имкониятларини кўпроқ бошқарувчанлик таъминлайди, яъни бошқариш тизимининг ишончлилиги. Бошқариш объекти қанча мураккаб бўлса, бошқариш органининг қобилияти шунча юқори бўлиши керак. Агар боғлиқлик бузилса бошқарувчанлик ҳам пасаяди, ишлаб чиқариш тизими бошқарилмайдиган ёки заиф бошқариш бўлиб қолади, натижада ишлаб чиқаришнинг фойдаси ҳам камаяди. Бошқарувчанликни нормалаш мумкин. Бошқариш нормасида, одатда, бошқариш самарадорлигини таъминлаш шарти билан битта раҳбар ёки бошқарув органига бўйсунадиган ишловчилар ёки бўлинмалар сони белгиланади.

Бу қонуниятлардан бир қатор оқибатлар келиб чиқади булар қуйидагилар:

1. Оддий бошқарув органлари ёрдамида мураккаб объектларни бошқариш мумкин эмас.

2. Бошқарув самарадорлиги бошқариш аппарати ходимлари миқдорига боғлиқ бўлар экан, бошқарув хизматининг оптимал миқдорига эришиш лозим.

3. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ташкилий тузилмасида бошқарув даражаларининг рационал табақалашувига эришиш керак. Қурилиш бошқа моддий ишлаб чиқариш соҳалар каби динамик (ўзгарувчан) ва очик тизим бўлиб, ташқи муҳит билан, яъни ҳар хил соҳадаги корхоналар ва ташкилотлар билан якуний қурилиш товарлари яратилишида тўғридан-тўғри ёки билвосита алоқага киришувчи тизимдир. Ўзгарувчанлик қурилишда бир пайтнинг ўзида функционал ва ривожланиш жараёнларининг боришида намоён бўлади.

Қурилиш – бу динамик система. Бу системанинг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши ҳам ички имкониятлар ва ресурсларга, ҳам ташқи муҳитга боғлиқ. Амалиётда ташқи муҳит ва авваламбор қурилиш ташкилотлари буюртмачилар маблағларига боғлиқлиги тизим сифатида бошқариш самарадорлигига жиддий таъсир қилади. Бу эса ўз навбатида, кўпинча қурилишда бошқаришнинг мақсад функцияларига жиддий таъсир кўрсатади ва кўп ҳолларда бошқаришнинг олдиндан берилган параметрларига маълум ўзгартиришлар киритишни талаб қилади. Лекин бу билан мақсад функциялари ўзгармайди. Табиийки, мақсад ва вазифаларсиз бошқариш бўлмайди. Қурилишда – мақсад объектни эксплуатацияга бериш, уни буюртмачи (инвестор)га топшириш ва кўзланган фойдани олиш. Бу мақсад эса биз ҳоҳлаганимиздек осон, тез ва муаммоларсиз ҳал бўлмайди. Гап шундаки, бу мақсаддан ташқари ишчиларга иш ҳақи, қурилиш материаллари ва қурилмалар ҳаражатларини, солиқларни тўлаш, қурилишнинг юқори сифатини таъминлаш ва бошқа шу каби масалалар ҳам ҳал қилинади. Шунинг учун қурилишда бошқариш кўп мақсадли хусусиятга эга бўлади.

Қурилишда бошқаришнинг асосий масалалари қуйидагилар:

- илмий-техник прогрессини тезлаштириш ва ишлаб чиқаришга маҳаллий ва хорижий қурилиш амалиётининг замонавий ютуқларини тадбиқ қилиш;

- машина техникаси ва замонавий технологияларни кенг қўллаш ва шу асосда қурилишда қўл меҳнати ҳиссасини қисқартириш;

- қурилаётган биноларнинг индустриал даражасини, улар сифатини ошириш ва қурилиш муддатларини қисқартириш;

- ресурслар тежамкорлигини таъминлаш ва ҳар қандай йўқотиш ва ноишлаб чиқариш харажатларини камайтириш;

- капитал қурилишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш.

## **1.2. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхона бошқарув самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар**

Иқтисодий фанида “модернизациялаш” тушунчаси ҳам улкан кўламда, ҳам ҳар бир мамлакат, тармоқ ва алоҳида корхона даражасида жамиятнинг технологик ва ижтимоий тараққиётидаги ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнларини акс эттиради. Унда ишлаб чиқаришда инвестицион-инновацион фаолиятда, у ёки бу давлатнинг институцион тузилишида юз бераётган мураккаб тузулмавий – технологик ўзгаришлар ўз аксини топади, у томонидан янги замонавий талабларга нисбатан ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг мазмуни ўзгаради.

Бозор шароитларида амалда деярли барча ташкилотлар тадбиркорлик билан шуғулланади, бу эса самарадорликнинг турли ташкил этувчиларини аниқлаб беради. Бунинг учун корхона самарадорлиги асосий омилларини қуйидагича режалаш мумкин.

### **1.2.1 – жадвал**

#### **Самарадорлик омиллари аҳамиятини режалаш**

Омил	Унинг аҳамияти
-Рахбарнинг профессионаллиги ва касб сифатлари.	I
-Ташкилот асосий жойларни эгаллаб турган мутахассис ва рахбарларнинг профессионаллиги ва касб сифатлари.	II
-Танланган стратегиянинг тўғрилиги.	III
-Ташкилот фаолияти тури.	IV

-Бошқарувнинг қўлланилаётган ташкилий тизими.	V
-Ташкилотда қўлланилаётган бошқарув технологиясининг самарадорлиги.	VI
-Ташқи омиллар (иқтисодиёт, қонунлар, сиёсат, ҳамкорлар).	VII

Кўпгина муваффақиятли ташкилотлар учун менежмент самарадорлиги қуйидагиларда акс этади: ташкилот тизимида тартиб ўрнатилиши, ваколатларнинг оптимал тақсимоли, ассортиментдаги турли-туманлик, ресурс бирлиги сарфланиши, маҳсулотнинг истеъмолчини қониқтириш имконияти ва табақалаштирилиши, сотув олди ва кейин сиёсати (маҳсулотнинг бозорда ҳаракати), нарх шаклланиши сиёсати, бошқарувни модернизациялаш, стратегик ва жорий режаларнинг мувофиқлиги, одамларни мотивлаштириш тизимининг яратилиши ва ишлатилиши.

Қурилиш тизимида бошқарув самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар қуйидагилар бўлиши мумкин: ишлаб чиқариш тури ва маҳсулотга эҳтиёж, меҳнат унумдорлиги, коммуникация, фойдаланиладиган техника ва технология даражаси, ҳудудий жойлашув ва ҳудуднинг иқтисодиётга таъсири, инсон омили - фан ва интеллектуал салоҳият, тармоқлараро интеграция, ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналтирилганлиги, инвестиция миқдори ва муддати ва бошқалар.

Пайдо бўлиш манбаига қараб ташкилотлар фаолиятига таъсир этувчи барча омилларни ички ва ташқи омилларга ажратиш мумкин.

Корхона фаолиятининг ички омилларига мақсад, структура, вазифалар, технологиялар ва ниҳоят меҳнат жамоаси (одамлар) киради.

**Мақсад** - корхона жамоа аъзоларининг биргаликда эришиши лозим бўлган натижа ёки натижавий кўрсаткичлар мажмуидир. Мақсадлар корхона фаолиятини режалаштириш асосида аниқланади. Мақсадлар - жорий, ўрта муддатли мақсад ва стратегик бўлиши мумкин. Умуман мақсадлардан келиб чиққан ҳолда корхона бўлинмалари мақсадлари аниқланади. Ишлаб чиқариш

йўналиши ёки ихтисослашуви бир хил бўлган корхоналарнинг мақсадлари бир - бирига ўхшаш бўлиши мумкин. Мақсадни аниқловчи омиллар эса вақт ўтиши билан ўзгаради. Шу сабабли унга вақти-вақти билан ўзгартиришлар киритиб борилади. Мақсадларни амалга ошириш муддати қанча қисқа бўлса унинг реаллиги ва амалга ошириш эҳтимоллик даражаси шунчалик юқори бўлади. Жорий ва ўрта муддатли мақсадлар стратегик масалаларни амалга оширишнинг муҳим босқичлари ҳисобланади.

**Структура** - корхонадаги бошқариш бўлинмалари ва раҳбар ходимлар мажмуидан ташкил топган бўлади ва уларнинг горизонтал ва вертикал йўналишдаги ўзаро алоқадорлигини, бўйсунуш тартибини акс эттиради. Ташкилий структура корхона олдида қўйган мақсадни амалга оширишнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Шу сабабли фаолият кўрсатилаётган корхонанинг структуравий ўзгаришларига катта маъсулият билан ёндашиши лозим.

Структуравий ўзгаришларга бевосита алоқадор бўлган иккита асосий йўналишга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Биринчиси, ихтисослашган меҳнат тақсимоти. Таъкидлаш ўринлики, корхоналардаги меҳнат тақсимотининг одамлар ўртасида ишни тасодифан тақсимлаш деб тушунмаслик керак. Аксинча, ихтисослашган меҳнат тақсимоти - корхонанинг ягоналиги, мақсаднинг умумийлиги нуқтаи назаридан ишни бошқаларга нисбатан сифатли бажариш қобилиятига эга бўлган мутахасислар томонидан амалга оширишни кўзда тутати.

Ихтисослашган йўналишлар бўйича горизонтал меҳнат тақсимоти мавжуд бўлади. Бу йўналишни бошқариш бўғинлари (бўлинмалари) ҳам деб аталади. Бошқариш бўғинлари мустақил ташкилий структура бўлиб, бошқаришнинг маълум функцияларини бажаришга ихтисослашган бўлади. Масалан, қишлоқ хўжалигида агрономия, инженерлик, бухгалтерия хизмати ва ҳоказолар.

Вертикал меҳнат тақсимоти бошқариш босқичларидан иборат бўлиб, бошқариш бўғинларининг пастдан юқорига қараб, бўйсунуш тартибини

Ўзида акс эттиради. Структуравий ўзгаришларга бевосита алоқадор бўлган иккинчи асосий йўналиш - назоратдир. Назоратнинг самарадорлиги, таъсирчанлиги ташкилий структуранинг давр талабига жавоб беришига боғлиқдир. Аниқроғи ҳар бир корхонада ташкил этиш принципларига амал қилиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

1. Ташкилий структура демократик принципни амалга оширишни таъминламоғи лозим. Бошқаришнинг барча бўғинларида яккабошчилик принципи ва шахсий жавобгарлик (ҳар бир мутахассиси ўз фаолияти учун) принципи билан уйғунлашмаган бўлмоғи даркор. Ижрочи бир раҳбарга бўйсунмоғи ва ундан топшириқ ва кўрсатмалар олмоғи лозим.

2. Бошқаришнинг ҳар бир бўғинида мутахассис ёки раҳбар ходим ўз вазифасини, ҳуқуқини ва маъсулиятини аниқ билмоғи ва унга амал қилмоғи лозим.

3. Бошқариш бўғинлари сони оптимал бўлмоғи лозим, яъни уларнинг сони оператив бошқаришни таъминлаш имконини яратиб бермоғи даркор. Акс ҳолда бошқарилувчи ва бошқарувчи тизимлар фаолияти самарадорлиги тушиб кетади.

4. Бошқаришнинг функционал ва чизиқли (линейное) раҳбарлик чегаралари аниқ бўлмоғи лозим. Ҳар бир ишлаб чиқариш ва функционал бўғин ўзининг аниқ функциясига эга бўлмоғи лозим.

5. Ташкилий структура эгилувчан, мослашувчан ва ишончли бўлмоғи лозим. Ташкилий структура ташқи ва ички шароитларнинг ўзгаришига мослашувчан бўлиши ишончли маълумотларни ўз вақтида таъминлаш хусусиятига эга бўлмоғи даркор.

6. Ташкилий структура иқтисодий жиҳатдан самарали бўлмоғи лозим. Бошқариш самарадорлигига, бошқариш учун сарф қилинадиган харажатларнинг камайиши, меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига эришмоқ лозим.

**Вазифа** - меҳнат тақсимотининг яна бир муҳим йўналиши ҳисобланади. Вазифа - бажариш усули ва муддати олдиндан белгилаб

қўйилган ишлар мажмуи ёки унинг таркибий қисмидир. Ташкилий структурага мос равишда ҳар бир раҳбар ходим ёки мутахассис маълум иш турларини бажаради ва ташкилот олдига қўйган мақсадни амалга оширишда ўз хиссасини қўшади. Бошқариш ходимлари томонидан вазифани сифатли ва ўз вақтида бажарилиши мақсадга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бошқариш органлари ва ходимларининг (бошқариш объекти) асосий вазифаси бошқариш объекти фаолиятини мақсадга мувофиқ равишда ташкил этиш, аниқроғи улар фаолиятини мақсадли амалга оширишга сафарбар этмоқдан иборат. Бошқариш объектининг (ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар, асосий воситалар, айланма маблағлари ва бошқалар) асосий вазифаси моддий неъмат ишлаб чиқаришдан иборат.

Вазифаларни бажаришда ахборот тизимининг аҳамияти каттадир. Ҳар қандай бошқарув вазифалари бевосита бошқарув қарорлари орқали амалга оширилади. Ахборотлар қабул қилинадиган қарорларнинг асосини ташкил этади. Шу сабабли ахборотларнинг тўлалиги, ҳаққонийлиги ва ўз вақтида таъминланишига катта масъулият билан ёндашиш лозим.

**Технология** - Люис Дейвис, технологияга қуйидагича таъриф беради: «Технология - ахборотлар, материаллар ёки одамлардан мақсадга мувофиқ ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур бўлган малакали тажрибалар, ускуналар, инфратузилмалар, жиҳозлар ва тегишли техник бўлимлар бирикмасидир».

Вазифа ва технология ўзаро бир бирига боғлиқ бўлган жараёндир. Вазифанинг бажарилиши материални ўзгартиришнинг воситаси бўлган аниқ технологияни қўллашни тақозо этади. Корхонани унинг жамоа аъзоларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Раҳбар унга бўйсунувчи раҳбар мутахассисиз, моддий неъматни яратишда иштирок этаётган ишчилар ёки деҳқонлар одамлар гуруҳини ташкил этади. Агар корхона сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарса айбдор нафақат корхона раҳбари, балки барча жамоа аъзолари ҳисобланади. Агар раҳбар-алоҳида менежер ҳар бир ходимни шахс сифатида (унга хос такрорланмас хусусиятларни хусусан қобилиятни, мақсадни у ёки

бу ҳодисаларга бўлган муносабатнинг фаоллигини) тан олмас экан корхона эришиши лозим бўлган мақсад хавф остида қолади. Умуман олганда корхона олдига қўйилган мақсадга, фаолият кўрсатаётган жамоа аъзолари орқали эришади. Шундай экан одамлар бошқариш жараёнининг марказида туради, вазиятли ёндашиш билан бирга ҳар қандай бошқариш моделининг асосини ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона фаолиятининг самарадорлигига кўпгина хилма-хил омиллар таъсир қилади. Уларни турли хил белгилар орқали синфларга ажратиш мумкин.<sup>4</sup>



**1.2.1 -расм. Ташкилотда бошқаришнинг иқтисодий механизмига таъсир этувчи ички омиллар**

<sup>4</sup> Сергеев И. В. Веретинникова И.И. Экономика организаций (предприятий) учебник под ред. И. В. Сергеева. 3-изд. перераб. и доп.-М., Велби, издательство “Перспект”, 2006.с.12.

Ички омиллар корхонанинг ўз фаолиятига боғлиқ, яъни корхонанинг ўзи уларни юзага келтиради.

**Ташқи омиллар.** Корхона фаолиятига таъсир этувчи ички омилларни ўрганиш бошқариш назариясини ривожлантириш борасида олиб борилган турли илмий-тадқиқот йўналишларнинг асосий объекти бўлган. Олиб борилган илмий ишларнинг мақсади корхона муваффақиятли ва самарали фаолият кўрсатиши учун унга раҳбарият қандай таъсир этиши керак деган саволга жавоб топишдан иборат бўлган.

Илмий бошқариш мактаби бошқариш вазифаларини ва технологиясига маъмурий бошқариш мактаби-ташкилий структурага, инсоний муносабатлар мактаби-ходимлар фаолиятига асосий эътиборни қаратиш лозим деб ҳисоблашган. Юқорида биз кўриб чиққан илмий йўналишларда корхонани ўраб олган ташқи муҳитга, аниқроғи ташқи омилларни ўрганишга кам эътибор беришган. Чунки корхонанинг ички омилларидан оқилона фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва корхонанинг яшаш қобилиятини сақлаб қолиш ташқи омилларга нисбатан муҳимроқ деган ғояга амал қилинган.

Ташқи омилларнинг корхона фаолиятига таъсир доираси кенгайиб бормоқда. Фикримизнинг далили сифатида Штейнер ва Майнернинг куйидаги сўзларини келтириш kifоядир: «Ўтмишда раҳбарлар иқтисодий ва техник ҳолатларга асосий эътиборни қаратган эди. Лекин кейинги вақтларда одамлар фикрининг ўзгариши, ижтимоий қадриятлар, сиёсий кучлар, ҳуқуқий маъсулиятнинг ошиши, раҳбар ходимларнинг ташқи муҳит таъсирини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритишига мажбур қилмоқда».

Корхонанинг ташқи муҳитга мослашишини биологик организмга қиёслаш мумкин. Чарлз Дарвиннинг эволюцион назариясига асосан ҳозиргача сақланиб қолган ўсимлик ва ҳайвонат дунёси бевосита ташқи муҳитга мослашиш жараёнининг натижасидир. Корхона ўз фаолиятининг ва самарадорлигини сақлаб қолиши учун ташқи муҳит таъсирига мослашиши лозим. Шу нуқтаи - назаридан раҳбар Дарвинизм таълимотига

амал қилиши керак. Чунки дунё микёсидаги тўпланган тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ташқи муҳитга мослашиш қобилиятига эга бўлган корхоналар яшаш қобилиятини сақлаб қолмоқда. Технология - ҳам ички, ҳам ташқи омил бўлиб ҳисобланади. Технологик янгиликлар корхона фаолиятга катта таъсир кўрсатади. Корхона фаолиятининг самарадорлигига таъсир қиладиган ташқи омиллар қуйидаги схемада кўрсатилган.<sup>5</sup>



**1.2.2 -расм. Ташкилотда бошқаришнинг иқтисодий механизмига таъсир этувчи ташқи омиллар**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик субъектларини, шу жумладан, қурилиш корхоналарини бошқаришнинг иқтисодий механизмининг самарадорлиги ташқи омилларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

<sup>5</sup> Сергеев И. В. Веретинникова И.И. Экономика организаций (предприятий) учебник под ред. И. В. Сергеева. 3-изд. перераб. и доп.-М., Велби, издательство “Проспект”, 2006.с.13.

### **1.3. Мустақиллик йилларида қурилиш корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар тўғрисида**

Миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган қурилиш ишлаб чиқариши, ўзининг қатор хусусиятлари билан бошқа соҳалардан ажралиб туради. Бу аввало қурилишнинг сермеҳнат, серашё ва яратилган маҳсулотларнинг ўз жойида қолиши билан тавсифланади.

Қурилиш деганда фақат янгитдан мукамал бино ва иншоотлар қурилишинигина кўз олдимишга келтирмай, балки кенгайтириш ёки янги технологияни жорий қилиш мақсадида бино ва иншоотларни қайта қуриш, фойдаланиш даврини ошириш мақсадида уларни таъмирлашни ҳам тушуниш керак. Шу нуқтаи назардан қараганда қурилиш маҳсулоти – бу янгидан мукамал қилиб қурилган, кенгайтириш ёки бошқа мақсадларда қайта қурилган ёки таъмирланган бино ва иншоотлардир.

Қурилишнинг сермеҳнат дейилишига сабаб, битта қурилиш маҳсулотини яратиш учун ўнлаб, юзлаб ишчи-хизматчиларнинг меҳнати сарфланади, улар бир-биридан тубдан фарқ қилувчи кўплаб турдаги меҳнат жараёнларида иштирок этадилар. Айниқса мукамал қурилишда битта йирик объектни қуриб фойдаланишга топшириш учун айрим ҳолларда бир неча йиллар зарур бўлади.

Капитал қурилишнинг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни беқиёсдир. Чунки қурилишсиз халқ хўжалигининг ҳеч бир соҳасини тасаввур қилиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам республикада қурилиш соҳасига катта эътибор билан қаралмоқда. Вазирлар Маҳкамаси, Республика Олий мажлиси ва Президентимиздан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қурилиш соҳасида юзага келган қийинчилик ва муаммоларни ҳал қилишга, қурилиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган қатор қарорлар, фармонлар ва қонунлар қабул қилиниб, уларнинг амалдаги ижроси назорат қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28-ноябрда қабул қилган

«Капитал қурилишни бошқаришнинг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 3-сентябрида қабул қилган «Капитал қурилишдаги иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18-ноябрдаги «Капитал қурилишда бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони шулар жумласидандир. Бундай қарор ва фармонларнинг амалда ижроси натижасида мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида кўплаб бино ва иншоотлар қад кўтармоқда.

Ҳозирги даврда қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари, фикримизча, қуйидагилар бўлиши мумкин:

-қурилиш индустрияси корхоналари ва пудратчи қурилиш ташкилотларини хусусийлаштириш ҳамда акционерлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, қурилишда бошқарув тузилмаларини соддалаштириш ва уларни монополиядан чиқариш;

-хусусий қурилиш ташкилотларини ташкил этишни рағбатлантириш, қурилиш соҳасида ўрта, кичик корхона ва ташкилотлар, бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

-капитал қурилишда пудрат ва лойиҳавий ишлар бозорини шакллантириш, қурилиш фаолиятида шартнома муносабатлари ролини кучайтириш, буюртмаларни жойлаштиришда жойларда тендер савдосини татбиқ қилиш, айниқса «калитли топшириш» шартларидаги қурилишларни кўпроқ амалга ошириш;

-қурилиш муддатини қисқартириб ва таннархини камайтирибгина қолмасдан сифатга алоҳида эътибор қаратиш.

Бугунги кунда капитал қурилишни жонлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун бошқача чора-тадбирлар керак бўлмоқда. Шу мақсадларда «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» Ўзбекистон

республикаси Президентининг фармони (06.05.2003 й., № ПФ-3240) эълон қилинди. Унда асосий йўналишлар сифатида қуйидагилар кўзда тутилган:

1) пудратчи қурилиш ташкилотлари ва қурилиш индустрияси корхоналарини хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, қурилиш бошқарув тузилмаларини ихчамлаш ва монополиядан чиқариш;

2) хусусий қурилиш фирмаларини ташкил қилишни рағбатлантириш, қурилиш соҳасида ўрта ва кичик корхона ва ташкилотларни, бозори инфратузилмасини ривожлантириш;

3) капитал қурилишда пудрат ва лойиҳа ишлари бозорини шакллантириш, қурилиш фаолиятида шартнома муносабатларининг ролини кучайтириш, барча жойларда буюртмаларни жойлаштиришда тендерларни жорий қилиш, қурилишни асосан фойдаланишга тайёр ҳолда («кулф-калит»гача) топшириш шартлари асосида амалга ошириш;

4) инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослашларни тайёрлаш даражасини ошириш, уларни шакллантириш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини такомиллаштириш, қурилишнинг моддий-техник базасини янгилаш;

5) тармоқни бошқаришнинг барча бўғинларида институционал ўзгаришларни амалга ошириш, қурилиш мажмуасининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, бир-икки бўғинли бошқарув тизимларига ўтиш;

6) қурилиш пудрат ташкилотларида бригада пудратини жорий қилиш, тўловни ишларнинг тугалланган босқичларида амалга ошириш асосида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг меъёрлари ва механизмларини такомиллаштириш;

7) қурилиш-монтаж ишларининг таннархини камайтириш, муддатларини қисқартириш ва сифатини ошириш.

Қурилиш Ўзбекистон Республикасидаги моддий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқларидан бирини ташкил этади. Халқ хўжалигида фаолият

кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг 4,8 фоизи (11,9 минг) қурилиш ҳиссасига тўғри келади. Шу сабабли ҳам Республикамизда қурилиш тармоғини ривожлантиришга доир кўплаб қонун ҳужжатлари, фармон ва фармойишлар қабул қилинган ва уларнинг ижроси амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 мартда “Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2137-сон қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, Республика ҳудудларидаги ихтисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотларининг қувватлари билан иқтисодиёт соҳаси ва тармоқларида капитал қўйилмаларни ўзлаштириш ҳажмларининг ўсиб бориши билан ўзаро боғлиқлигини, пудратчи ташкилотларнинг ишлаб чиқариш-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳисобига олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишларининг миқёси ва сифатини тубдан яхшилаш, шу қаторда, бутун қурилиш ишлари циклини “калити билан топшириш” усулида бажаришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасига Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда қурилиш-пудрат ташкилотларининг Реестрини юритиш вазифаси юклатилди. Таъкидлаш жойизки, Реестрини юритишда уларнинг тури ва йўналиши бўйича ихтисослашганлиги, энг муҳими ўзининг ишлаб чиқариш базаси, техникаси, машина ва механизмлари, шунингдек кичик механизация воситалари мавжудлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Таъкидлаш жойизки, реестрни шакллантириш ва юритишнинг асосий мақсадлари ва вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: қурилиш-пудрат ташкилотларининг доимий ишлайдиган қурилиш-ишлаб чиқариш ходимлари билан бутланганлигини, ихтисослашувга, ташкилий тузилмага ва бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари хусусиятига мувофиқ асосий ишлаб чиқариш фондлари мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолда, қурилиш – пудрат

ташкilotлари тўғрисидаги ягона электрон маълумотлар базасини ташкил этиш.

Президент қарорига кўра, 2014-2016 йилларда ихтисослаштирилган йирик қурилиш-пудрат ташкilotларини шакллантириш дастури мақулланди.

Ушбу дастур доирасида замонавий техникаларга эга қурилиш ишларининг барча босқичини таъминлай оладиган 88 та янги қурилиш-пудрат ташкilotини ташкил этиш кўзда тутилган. Бунинг натижасида 7763 нафар қурувчининг иш билан таъминланиши назарда тутилган.

Янги ташкил этиладиган ушбу ташкilotлар қуввати 2107 та қурилиш техникаси машина ва механизмлар ҳамда 229 та ишлаб чиқариш базасига тенг бўлади. Ташкilotлар бажариладиган иш ҳажми ва турига қараб, ҳудудлар бўйича рационал тақсимланиши керак. Ҳозирда 1900 дан ортиқ қурилиш ташкilotлари амалдаги реестрга киритилган.

Шу қаторда, республикада қурилиш – пудрат ишлари ва хизматлари бозорида ташкilotларнинг ҳолати ва салоҳияти тўғрисидаги ахборотни тизимли жамлаш, объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлашга йўналтириладиган марказлаштирилган самарали фойдаланишни таъминлаш, шу билан бирга, лойиҳа ҳужжатларига ва тузилган пудрат шартномаларига мувофиқ қурилиш – пудрат ташкilotлари томонидан белгиланган шаҳарсозлик, санитария қоидаларига, бажариладиган монтаж ишлари муддатлари ва сифатига риоя қилиш ҳамда ахборотни кузатиб бориш имкониятларини таъминлаш шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, янги юқори ишлаб чиқариш қувватига эга қурилиш техникасини, машина ва механизмларни, кичик механизация ва махсус транспорт воситаларини лизинг асосида харид қилишнинг молиялаштириш манбаларини, шунингдек мулкчиликнинг барча турдаги қурилиш ташкilotларига лизинг хизматларини кўрсатиш таклифлари киритилди.

Лизинг компанияларидан бири “Qurilish-Lizing” – Ўзбекистоннинг қурилиш соҳасида машғул бўлган кичик ва хусусий бизнес субъектлари учун

замонавий қурилиш ускуналари ва махсус транспортни харид қилиш бўйича молиявий хизматларни кўрсатувчи лизинг компаниясидир.

Компания томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳар қайси ҳудудида замонавий қурилиш техникаси ва кичик механизация воситалари, махсус транспортни харид қилиш билан боғлиқ бўлган лойиҳалар молиялаштирилади.

Компания хизматларидан лизингга турли кўринишдаги ва турдаги қурилиш ускуналарини олаётган қурилиш корхоналари ва ташкилотлар фойдаланадилар. Компания негизида «Qurilish-Lizing-Servis» шўъба корхонаси тузилган бўлиб, унинг юқори малакали мутахассислари олиб кириладиган қурилиш техникасига техник хизмат кўрсатишни ҳамда уни таъмирлашни бажарадилар, шунингдек самосваллар, фронтал юклагичлар, экскаваторлар, бульдозерлар ва бошқа махсус қурилиш техникаси учун эҳтиёт қисмлар етказиб беришни амалга оширадилар.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, қурилиш соҳасида банд бўлган барча қурилиш ва пудрат ташкилотлари «Qurilish-Lizing» компаниясининг миждозлари бўлиши мумкин.

Компания билан ишлашнинг афзалликлари:

- Лойиҳаларни кўриб чиқиш тезкорлиги;
- Реал молиявий ресурслар;
- Хамкорлик муносабатларидаги ойдинлик;
- Профессionalлар жамоаси;
- Миждозларга алоҳида ёндашиш;
- Қурилиш техникаси ва ускуналар ишлаб чиқарувчиларини излашда ахборот кўмаги.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Республикада ишлаб чиқарилмайдиган импорт қилинадиган қурилиш техникаси, асбоб – ускуналар, машина ва механизмлар ҳамда бутловчи буюмлар учун 2018 йилнинг 31 декабригача божхона тўловлари тўлашдан яъни, қурилиш – пудратчи ташкилотлари Реестрига киритилган кундан

бошлаб 3 йил муддатга юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича тендер савдоларига фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.

Давлат статистика қўмитаси ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан ҳамкорликда жорий йил 11 февралда «Кичик қурилиш ташкилотлар ва микрофирмаларда 2014 йил 1 январ ҳолатига қурилиш машина ва механизмлари мавжудлиги тўғрисидаги статистик кузатувни ўтказиш ва унинг яқунларини чиқариш Тартиби» тасдиқланди.

Кичик қурилиш ташкилотлари ва микрофирмаларда механизмларнинг мавжудлиги тўғрисидаги статистик кузатувнинг мақсади, кичик қурилиш ташкилотлари ва микрофирмаларнинг моддий – техника базасини таҳлил қилиш учун зарур бўлган, шунингдек қурилиш пудрат ташкилотларининг ривожланишини қўллаб – қувватлашга йўналтирилган чора – тадбирларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни шакллантиришдан иборат.

Кузатувнинг асосий вазифаси кичик қурилиш ташкилотлари ва микрофирмаларда қурилиш машина ва механизмларининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва унинг асосида маълумотлар базасини яратишдан иборат. Ушбу кузатувни ўтказиш учун, «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6- ва 11-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 декабрдаги 351-сон Қарори билан тасдиқланган Давлат статистика ишлари дастури қонуний асос бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда қурилиш пудрати билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонунлар,

Шаҳарсозлик кодекси, шунингдек, Президентимизнинг 2003 йил 6 майдаги «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 апрелдаги «Капитал қурилишни бошқариш тузилмасини янада қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2000 йил 5 августдаги «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари билан тартибга солинади.

Мазкур қонун ҳужжатлари капитал қурилиш жараёнида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тармоқда бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган хўжалик муносабатларини кенг жорий этиш, пудрат, лойиҳа ишлари ва қурилиш материалларининг ривожланган бозорларини шакллантириш, қурилишда нарх белгилаш механизмини такомиллаштириш ҳамда лойиҳаларнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 631-моддасида белгиланганидек, пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ҳамда бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

## **2-БОБ. “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ фаолиятининг таҳлили**

### **2.1. “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ фаолияти тавсифи ва унинг таркибий тузилиши**

Қурилишда бошқа соҳаларга нисбатан бошқарув субъекти ва объекти яққолроқ гавдаланади: мастерлар ёки бригадирлар ишчиларни бошқаради, прораб ёки катта прораблар бригадирларни бошқаради, участка бошлиқлари прорабларни бошқаради ва ҳ.к. Яъни қурилиш бошқаруви ҳам бутун ижтимоий ишлаб чиқаришда амал қиладиган барча қонун ва қоидаларга бўйсунди. Шунинг учун қурилиш бошқаруви ижтимоий ишлаб чиқариш бошқарувининг таркибий ва ажралмас қисми ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси томонидан 2 декабр 1998 йилда тасдиқланган «Хусусий қурилиш фирмалари ҳақидаги қарор» бўйича тартибга солиниши керак бўлган хусусий қурилиш фирмаларини ташкил этиш ҳақидаги масала долзарб бўлиб турибди. Юқорида айтилган қарор бўйича қурилиш фирмаси юридик шахс мақомидаги мустақил фаолият олиб боришга ва Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисидида ишчилар сонидан қатъий назар ўз ташкилотчиларини (шўъба ташкилотларини) яратиш ва қурилиш комплексининг барча турдаги ишларини бажариш ҳуқуқига эга субъект ҳисобланади. Фирма, табиийки, тижорат ташкилоти ҳисобланади ва хўжалик шерикчилиги ёки жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган бошқа шаклда тузилиши мумкин. У ўз номидан контракт тузиши, мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлиши, мажбуриятлар олиши, судларда даъвогар ёки жавобгар бўлиши мумкин. Фирма ўз балансига эга бўлади, молиявий ва валюта томондан ўзини тўлиқ қоплаш асосида фаолият кўрсатади.

Қурилиш фирмасининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- қурилиш хизматлари бозори маркетингни ўрганиш;

- бизнес-режани тайёрлаш ва қурилиш талабларини қондириш учун ресурс етказиб берувчилар билан келишувлар тузиш;

- режа ва ҳисоб ҳужжатларини олиб бориш ва ишчилар меҳнатини рағбатлантириш;

- бутун қурилиш маҳсулоти бўйича ва қилинадиган ишларда юқори сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш;


- фойда олиш ва ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминлаш.

Фирма ўз фаолиятини мустақил равишда режалаштиради ва ривожланиш истиқболларини белгилайди, зарурий фондлар-меҳнат ривожланиш, суғурта ва бошқа ўз хоҳишига биноан ташкил қилади.


Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ 2009 йил 19 мартда №69-сон билан Шовот туман тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган. Жамият тумандаги 7 та пудрат ташкилотлари ичида етакчилардан ҳисобланади.

Қурилиш корхонаси Ўзбекистон Республикаси юридик шахси бўлиб, мустақил балансига, банкларда ҳисоб рақами, думалоқ муҳр, бурчак штапмига эга. Ўз фаолиятини хўжалик ҳисоб-китоби ва шахсий таъминот асосида амалга оширади. Қурилиш корхонаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Давлат органлари Фармойиш ва қарорлари, корхона низоми ва корхона бошқарув органлари қарорларига мувофиқ олиб боради.

“Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ қуйидаги юридик манзилга эга: Хоразм вилояти Шовот тумани Шовот шаҳарчаси Маданият кўчаси 15-уй.



**2.1.1. “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг ташкилий тузилмаси**



### 2.1.2. “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг таркибий тузилиши

Ташкил этилганлигига беш йил тўлганига қарамасдан туманда кўплаб қурилиш ишларини олиб борган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1167-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилётган уйлар қурилишда ўтган йиллар

мобайнида доимий қатнашиб келмоқда. “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК буюртмасига асосан 2010 йилда Шовот тумани Хитой қишлоғида 15 та намунавий уйлар қурилишини амалга оширган. Қурилиш смета қиймати 891 750 000 сўм бўлган.

2011 йилнинг апрел-сентябр ойларида Шовот тумани Бўйрачи массивида “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК буюртмасига асосан 7 та намунавий уй жойлар қурган. Қурилиш смета қиймати 514 300 000 сўм бўлган.

2012 йилда Қиёт қишлоғи “Қиёт” маҳалласида қуриладиган жами 25 та уй-жойдан 15 тасини “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ (“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК билан 9.07.2012 йил 1 млрд 507 млн 273 минг 800 сўмга шартнома тузган) қурган.

Шовот туманида 2013 йилда туманнинг 4 та массивида 65 та смета қиймати 9 млрд 100 млн сўмлик шундан: Қиёт қишлоғи “Қиёт” маҳалласида 25 та, Бўйрачи қишлоғида 10 та, Катқалъа қишлоғи “Олтинқалъа” маҳалласида 10 та ва Хитой қишлоғи “Қозоққалъа” маҳалласида 20 та намунавий уй-жойлар қурилиши белгиланган бўлиб, 9 млрд 74 млн 692 минг сўмлик қурилиш монтаж ишларини 2 млрд 275 млн сўми аҳолининг бошланғич бадаллари, 5 млрд 173 млн 350 минг сўми “Қишлоқ қурилиш банк”нинг “Осиё тараққиёти банки” томонидан ажратилган имтиёзли кредитлари, 1 млрд 626 млн сўми аҳолининг якуний тўловлари ҳисобига молиялаштирилиши режалаштирилган. Уй-жойлар бўйича дастлаб 23.03.2013 йилда 35 та намунавий уй-жойлар учун тендер савдолари ўтказилиб, қурилиш монтаж ишларини олиб боровчи пудрат ташкилотлари аниқланди, танлов натижаларига кўра Қиёт қишлоғида қуриладиган 25 та уй-жойларни 9 тасини “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ (“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК билан 29.03.2013 й №33-сонли 1 млрд 237 млн 639 минг 877 сўмга шартнома тузган) қурган.

“Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ Шовот туманида инвестиция дастурига киритилган объектларни қурилиши ва капитал таъмирлаш

ишларини амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Шовот туманидаги умумий смета қиймати 217490500 сўмлик 40-сон мактабнинг капитал таъмиринишни амалга оширган.

2014 йилда Хоразм вилояти Шовот тумани Арбоболар массивида 70 та намунавий лойиҳалар асосида уйлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 10 та уйни “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ тендер савдолари натижасига кўра ютиб олган. Айти пайтда қурилиш ишлари давом этмоқда ва объектларни 2014 йил 1 августга топшириш режалаштирилган.

“Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ Шовот туманидаги 16-сон мактабнинг капитал таъмири ва спорт залини қуриш ишларини амалга оширмоқда. Объектнинг умумий смета қиймати 378 500 000 сўмни ташкил этади. Қурилиш ишлари 2014 йилнинг феврал ойидан бошланган бўлиб, 2014 йилнинг 1 августига қадар қурилиш ишларини тугатиш режалаштирилган.

Маъсулияти чекланган жамиятни ташкил этишдан мақсад туманда сифатли қурилиш махсулотларини барпо этиш. Жамият фаолиятининг асосий йўналиши умумий қурилиш ишларини амалга ошириш ва ихтисослашган уй-жойлар қуриш.

“Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг ташкил қилинган вақтдаги шаклланган устав жамғармаси 6,500 минг сўм бўлган. Таъсисчиларнинг улуши: жисмоний шахс 69,2 %, юридик шахс 30,8 % ни ташкил этган.

## **2.2. “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ нинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили**

Бозор муносабатлари шароитида хар бир тадбиркор, корхона раҳбари ва инвестор корхона молиявий ҳолати кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш усулларини эгаллаган бўлиши, улар асосида мақбул бошқарув қарорларни қабул қилишни билиши лозим. Молиявий бошқариш маҳорати ҳисоб варақаларда минимал суммадаги маблағ сақлаган ҳолда қолган қисмини тез реализация қилинадиган активларда сақлашда намоён бўлади.

Молиявий натижа - корхона ишининг фойда суммаси ва рентабеллик даражасида ифодаланадиган якунидир. Корхонанинг молиявий ҳисоботида молиявий натижалар 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» асосида аниқланади ва таҳлил қилинади. Бухгалтерия балансининг баланс пассиви 1-бўлими «ўз маблағлари манбалари»да тақсимланмаган фойда кўрсатилади. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тасдиқлаган Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва уни сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга кўра фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари фарқланади:

- маҳсулотни сотишдан ялпи фойда;
- асосий фаолиятдан кўрилган фойда:
- умумхўжалик фаолиятидан кўрилган фойда:
- солиқларни тўлашдан олдинги фойда:
- соф фойда.

Сотилган маҳсулот таннархи корхонанинг маҳсулотни чиқариш мақсадидаги бевосита ва билвосита, моддий ва меҳнат сарфларини ўз ичига олади. Ҳисоб-китоб ҳисоб рақамда пул маблағлари миқдори қанчалик сезиларли бўлса, тўловлар ва мажбуриятларга кифоя қиладиган маблағлар билан ҳисоб-китоб қилиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Аммо пул маблағлари захиралар ва харажатларда, яъни муомалада бўлса, уларни нақд пулга айлантириш мумкин.

### 2.2.1.-жадвал


#### “Шовот махсус бино қурилиш” МЖЧ нинг 2011-2013 йиллардаги асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

т/р.	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011	2012	2013	Фарқи (+;-)	Ўзгариш нисбати, %
	1	2	3	4	5	6	7

1.	Сотишдан тушум	минг сўм	514300	990000	2214344,4	1224344,4	223
2.	Бажарилган ишларнинг таннари	минг сўм	482202	941704.8	1891912,4	950207,6	200
3.	Сотишдан тушган ялпи фойда	минг сўм	32098	48295.2	322432	274136,8	667
4.	Ишчиларни ўртача сони	киши	50	50	50	0	100
5.	Бир ишчига тўғри келадиган маҳсулот	минг сўм	10286	19800	44286,8	24486,8	223
6.	Соф фойда	минг сўм	3269	17056.4	164305,1	147248,7	963
7.	Иш ҳақи фонди (ФОТ)	минг сўм	180000	210000	240000	30000	114
8.	Бир ишчига ўртача иш ҳақи	минг сўм	3600	4200	4800	600	114
9.	Дебиторлик қарзлари	минг сўм	72700	32509,9	-	-	-
10.	Кредиторлик қарзлари	минг сўм	8962	11933,1	87338,5	72405,4	706
11.	Бир кунлик тушум	минг сўм	1428,6	2750	6150,9	3400	223
12.	Корхонанинг рентабеллик даражаси	%	0,67	1,81	8,68	6,87	479

Юқоридаги маълумотларга кўра, “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ нинг 2011-2013 йиллардаги асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган бўлиб, бунда сотишдан тушум 2011 йилда 514300 минг сўмни, 2012 йилда 990000 минг сўмни, 2013 йилда эса 1224344,4 минг сўмга кўпайиб, 2214344,4 минг сўмни ташкил қилган. Бажарилган ишларнинг ишлаб чиқариш таннари 2011 йилда 482202 минг сўмни, 2012 йилда 941704.8 минг сўмни, 2013 йилга келиб эса бу кўрсаткич 950207,6 минг сўмга кўпайиб, 1891912,4 минг сўмни ташкил қилди. Соф фойда 2011 йилда 3269 минг сўмни, 2011 йилда 672902,5 минг сўмни, 2012 йилда 17056.4 минг

сўмга ошиб, 1288901 минг сўмни ташкил қилди. Кредиторлик қарзлари 2011 йилда 8962 минг сўмни, 2012 йилда 11933,1 минг сўмни, 2013 йилда эса 72405,4 минг сўмга ошиб, 87338,5 минг сўмни ташкил қилган. Махсулотни сотишдан тушган тушумни бажарилган ишлар таннархига нисбати орқали корхонанинг йиллардаги самарадорлик кўрсаткичларини таққослашимиз мумкин. 2012 йилда бу кўрсаткич 1,05 ни 2013 йилда эса 1,17 ни ташкил этган. Демак, 2013 йилда корхона 2012 йилга нисбатан юқори самарадорликка эришган.



**2.2.1- расм. “Шовот махсус бино қурилиш” МЖЧ нинг 2011-2013 йиллардаги асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари диаграммаси**

**Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.** Айланма маблағлар баланс активининг иккинчи бўлимида акс этиб, айланишдаги (айланма активлардаги) пул маблағларида ифодаланади. Асосий фондлардан фарқли ўлароқ айланма маблағлар бир ишлаб чиқариш циклида тўла шакллантириб, ўз қийматларини тайёр махсулотга олиб ўтади ва ҳам буюм-натура, ҳам қиймат ифодасида қайта тикланади, шу тариқа бевосита ҳаракатда бўлади.

Айланма маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлил қилинар экан, уларни тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, бу

кўрсаткичларни олдинги йиллар билан қиёслаш, бизнес режа маълумотлари билан қиёслаш, бу кўрсаткичларнинг фарқ қилишига турли омилларнинг таъсирини аниқлаш ва ҳисоблаб чиқиш керак бўлади. Ана шу омилларни ўрганиш асосида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш йўллари аниқлаш ва тавсия қилиш керак.

## 2.2.2- жадвал


### “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ нинг 2011-2013 йиллардаги айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили

(минг сўмда)

Т/р	Кўрсаткичлар	2011	2012	2013	Фарқ (+,-)	Ўзгариш нисбати, %
1.	Сотишдан тушум	514300	990000	2214344,4	1224344,4	223
2.	Соф фойда	3269	17056,4	164305,1	147248,7	963
3.	Айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи	73071	32536,5	272247	239710,5	836
4.	Айланма маблағларнинг рентабеллиги	4,47	52,4	60,35	7,95	115
5.	Айланма маблағларнинг айланувчанлиги: Кунларда	51	11	44	33	400
	Маротабаларда	7,03	30,42	8,13	-22,29	26
6.	Бир кунлик тушум (кунда), сўм	1428,61	2750	6150,9	3400,9	223

Жадвалда айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини кўрсаткичларини ҳисоблаш ва уларни олдинги йил маълумотлари билан қиёслаш амалга оширилган. Ушбу жадвал маълумотларига қараганда, 2013 йилда МЧЖда айланма маблағлардан фойдаланишда ўтган йилгига нисбатан

ёмонлашган. Хисобот йилида айланма маблағларнинг айланувчанлиги 44 кунни ташкил қилган ва ўтган йилга нисбатан 33 кунга орқада қолган. Вахоланки 2012 йилда бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 40 кунга тезлашган бўлган. Айланма маблағлар рентабеллиги олдинги йилга нисбатан яхшиланан ва 60,35 % ни ташкил қилган ва бу ўтган йилгидан 7,95 % кўпдир. Айланма маблағларнинг айланувчанлиги 44 кун. Бир йилда 8,18 мартаба айланади. Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичига кўп сонли омиллар, шу жумладан махсулотни ишлаб чиқариш ва унинг рентабеллигини кўтаришдаги сотувлар, айланма маблағлар суммаси, айланма маблағлар таркиби ҳам таъсир этади.



**2.2.2-расм. “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ нинг 2011-2013 йиллардаги айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги диаграммаси**

### 2.3. “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ нинг бошқарув фаолиятига таъсир этувчи молиявий кўрсаткичлари таҳлили

**Корхонанинг молиявий натижалари таҳлили.** Молиявий натижа - корхона ишининг фойда суммаси ва рентабеллик даражасида ифодаланадиган якунидир. Корхонанинг молиявий ҳисоботида молиявий натижалар 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» асосида аниқланади ва таҳлил қилинади. Бухгалтерия балансининг баланс пассиви 1-бўлими «ўз маблағлари манбалари»да тақсимланмаган фойда кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тасдиқлаган Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва уни сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга кўра фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари фарқланади.

- маҳсулотни сотишдан ялпи фойда;
- асосий фаолиятдан кўрилган фойда;
- умумхўжалик фаолиятидан кўрилган фойда;
- солиқларни тўлашдан олдинги фойда;
- соф фойда;

Маҳсулотни сотишдан ялпи фойда (ЯФ) корхонанинг маҳсулотни сотишдан олган даромадини тавсифлайди ва маҳсулот сотишдан тушган соф тушум ва сотилган маҳсулот таннархи ўртасидаги фарқ сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади;

$$\text{ЯФ} = \text{СТ} - \text{МТ} \quad (2.3.1)$$

Маҳсулот сотишдан соф тушум (СТ) - маҳсулотни сотишдан кўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чиқарилгандан кейинги соф тушум суммасидир. Бу кўрсаткич корхонанинг маҳсулотни сотишдан кўрган фойдасидир. Сотилган маҳсулот таннархи (МТ) - корхонанинг маҳсулотни чиқариш мақсадидаги бевосита ва билвосита, моддий ва меҳнат сарфларини ўз ичига олади.


**2.3.1- жадвал**

**“Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ нинг 2011-2013 йиллардаги  
молиявий натижалари таҳлили**

(минг сўмда)

№	Кўрсаткичлар	2011	2012	2013	Фарк (+;-)
1	Ялпи фойда	32098	48295,2	322432	274136,8
2	Асосий фаолиятдан олинган фойда	3269	17056,4	176605,1	159548,7
3	Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда	3269	17056,4	176605,1	159548,7
4	Сотиш рентабеллиги	6,2	4,87	14,56	9,69
5	Соф фойда	3269	17056,4	176605,1	159548,7
6	Ўз сармояси рентабеллиги	5,09	82,7	95,5	12,8
7	Асосий сармоя рентабеллиги	4,47	52,4	64,8	12,4
8	Асосий сармояни ўзини қоплаши	22,3	1,9	1,65	-0,25
9	Ўз сармоясининг ўзини қоплаши	19,6	1,2	1,12	0,08

Соф фойда 2011 йилда 3269 минг сўмни, 2012 йилда 17056,4 минг сўмни, 2013 йилда 159548,7 минг сўмга ошиб, 176605,1 минг сўмни ташкил қилган. Маҳсулотларни сотиш рентабеллиги 2011 йилда 6,2 фоизни, 2012 йилда 4,87 фоизни, 2013 йилда 9,69 фоизга ошиб, 14,56 фоизни ташкил қилган.



**2.3.1-расм. “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ нинг 2011-2013 йиллардаги молиявий натижалари диаграммаси**

**Корхонанинг молиявий барқарорлик таҳлили.** Активлар (асосий фондлар, номоддий активлар, айланма маблағлар)га қўйилган маблағларни ўз маблағлари ҳисобига қолайдиган, ноўрин дебиторлик ва кредиторлик қарзларига йўл қўймайдиган ҳамда ўз мажбуриятларига ўз вақтида тўлайдиган корхона молиявий барқарор корхона ҳисобланади. Молиявий барқарорлик ўз ва қарз маблағлари нисбати билан аниқланиб, қатор кўрсаткичлар ёрдамида ҳисобланади.

Мустақиллик, молиявий барқарорлик ва молиявий қарамлик коэффициентларини молиявий барқарорликнинг асосий кўрсаткичлари деб қараш мумкин.

Мустақиллик коэффициенти хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳолатининг маблағларининг қарз манбаларига қарам эмаслигини тавсифлайди. У ўз маблағларини хўжалик маблағлари умумий суммасидаги улушини кўрсатади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Муст.к.} = \dot{Y}C / C \quad (2.3.1)$$

Мустақиллик коэффициентнинг ўсиши молиявий мустақилликнинг ортиши ва молиявий қийинчиликлар хавфининг камайишини кўрсатади.

Молиявий барқарорлик коэффициенти (М.бар.к.). Ўз ва қарз маблағлари нисбатидир. У қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{М.бар.к.} = \dot{Y}C / \text{ЖС} \quad (2.3.2)$$

Ўз маблағларининг қарз маблағларидан ортиқлиги хўжалик юритувчи субъект молиявий барқарорлигининг етарлича захирасига эга эканлигини ҳамда ташқи молиявий манбалардан нисбатан холи эканлигини кўрсатади.

Молиявий қарамлик коэффициенти. Молиявий қарамлик ва молиявий қийинчиликлар хавфининг кўпайиши ёки камайишини кўрсатади. У ўз маблағларининг 1 сўмига қанча хўжалик маблағлари тўғри келишини кўрсатади ва қуйидаги формула бўйича хўжалик маблағларининг ўз сармоясига нисбати сифатида аниқланади:

$$\text{М.қар.к.} = C / \dot{Y}C \quad (2.3.4)$$

Ўз сармояси ҳаракатчанлиги. Ўз.х. - ишлаб турган ва ўз сармояси нисбати бўлиб, у ўз айланма маблағларининг (айирув муддати ўтган дебиторлик қарзлари) ўз маблағларидаги улушини тавсифлайди ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\dot{Y}c.х. = \text{ИшС} / \dot{Y}C \quad (2.3.5)$$

Молиявий барқарорликни бошқа кўрсаткичлар ҳам тавсифлаши мумкин, улардан корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида хулосалар чиқаришда ва молиявий аҳволни таҳлил қилишда фойдаланилади. Юқоридаги формулаларни қўллаб чиққан кўрсаткичларни қуйидаги жадвалга киритилган.

Узоқ муддатли истиқбол нуқтаи назаридан корхона фаолиятининг барқарорлиги, корхона иқтисодиётининг ташқи кредиторлар ва инвесторларга боғлиқлик даражаси молиявий барқарорлик мезони ҳисобланади. Корхона ўзининг шу вақтгача бўлган қарзлари билан ҳисоб-китоб қилиш қобилятини тавсифловчи баланс ликвидлигидан фарқли

ўлароқ, молиявий барқарорлик корxonанинг тўловга доимо лаёқатлилигини кафолатловчи муайян ҳолатдир.

Хўжалик фаолияти натижасида корxonанинг тўлов қобилияти қисқа давр (чорак, йил) мобайнида ўзгариши мумкин, аммо молиявий барқарорлик кўрсаткичлари анча барқарор бўлиб, улар бундай давр ичида деярли ўзгармайди.


### 2.3.2-жадвал

#### “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг 2011-2013 йиллардаги молиявий барқарорлиги таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2011	2012	2013	Фарқ (+;-)
	1	2	3	4	5
1.	Мустақиллик коэффиценти	0,87	0,63	0,67	0,04
2.	Молиявий барқарорлик коэффиценти	7,15	1,72	2,11	0,39
3.	Молиявий қарамлик коэффиценти	1,13	1,57	1,47	0,37
4.	Ўз сармояси ҳаракатчанлиги	1	1	1	0
5.	Жалб қилинган сармоянинг жамланганлик коэффиценти	0,12	0,36	0,32	-0,04
6.	Жалб қилинган ва ўз сармоялари нисбати коэффиценти	0,13	0,57	0,47	-0,1

2.3.2-жадвалда “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ нинг 2011-2013 йиллардаги молиявий барқарорлиги таҳлил қилинган бўлиб, бунда мустақиллик коэффиценти 2011 йилда 0,87 коэффицентни, 2012 йилда 0,63 коэффицентни, 2013 йилда 0,04 коэффицентга ошиб, 0,67 коэффицентни ташкил қилган. Молиявий барқарорлик коэффиценти 2011 йилда 7,15 коэффицентни, 2012 йилда 1,72 коэффицентни, 2013 йилда 2,11 коэффицентни ташкил қилган. Молиявий қарамлик коэффиценти 2011

йилда 1,13 коэффициентни 2012 йилда 1,57 коэффициентни, 2013 йилда эса 1,47 коэффициентни ташкил этган. Ўз сармояси ҳаракатчанлиги ҳар уч йилда ҳам ўзгармасдан бир хил 1 коэффициентни ташкил этган. Жалб қилинган сармоянинг жамланганлик коэффициенти 2011 йилда 0,12 коэффициентни, 2012 йилда 0,57 коэффициентни, 2013 йилда 0,47 коэффициентни ташкил қилган.



### 2.3.3-расм. “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг 2011-2013 йиллардаги молиявий барқарорлиги диаграммаси

Корхонанинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш учун қуйидагилар амалга оширилиши керак:


- бутун ҳўжалик маблағлари суммасидаги, шунингдек, айланма маблағлардаги ўз маблағлари улушини кўпайтириш;
- жалб қилинган маблағлар улушини камайтириш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш.

## 2.3.4-жадвал

**“Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг 2011-2013 йиллардаги  
иқтисодий салоҳият самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг  
миқдорини аниқлаш**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011 йил	2012 йил	2013 йил	Фарқ (+;-)	Ўзг. нис.%
	1	2	3	4	5	6	7
<b>Ҳажм кўрсаткичлари</b>							
1.	Соф фойда	минг сўм	3269	17056.4	164305.1	147248.7	963
2.	Даромад солиғини тўлагунга қадар фойда	минг сўм	3269	17056.4	176605.1	159548.7	1035
3.	Сотилган маҳсулот таннархи	минг сўм	482202	941704.8	1891912.4	950207.6	200
4.	Иқтисодий салоҳият қиймати	минг сўм	73071	32536.5	272247	239710.5	836
<b>Нисбий кўрсаткичлар</b>							
5.	Фойданинг даромаддаги хиссаси	минг сўм	100	100	93	-7	93
6.	Даромаднинг маҳсулот ҳажмидаги хиссаси	минг сўм	6.7	1.8	9.3	7.5	5.1
7.	Иқтисодий салоҳиятнинг натижавийлиги	минг сўм	659	2894	694	-2200	23
8.	Иқтисодий салоҳиятнинг рентабеллиги	минг сўм	4.47	52.4	60.3	7.9	115
9.	Иқтисодий салоҳиятнинг даромадлиги	минг сўм	4.47	52.4	64.8	12.4	123
10.	Иқтисодий салоҳият самарадорлигининг комплекс кўрсаткичи	минг сўм	726.05	3680	1621	-2059	44

Юқоридаги жадвалда “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг 2011-2013 йиллардаги иқтисодий салоҳият самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг миқдорини аниқланган. Унга кўра 2013 йилда даромаднинг маҳсулот ҳажмидаги ҳиссаси 2012 йилдагига нисбатан 7.5 га ошган. Шунингдек иқтисодий салоҳиятнинг рентабеллиги ҳам 2013 йилда 60.3 га ошиб, бу қарийиб 2012 йилдагидан 7.9 га кўп. Аммо иқтисодий салоҳият самарадорлигининг комплекс кўрсаткичи 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 2059 тага камайган.



**2.3.5-расм. “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг 2011-2013 йиллардаги иқтисодий салоҳият самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг миқдорини аниқлаш диаграммаси**

### **3-БОБ. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари**

#### **3.1. Иқтисодийни модернизация қилиш орқали қурилиш корхоналари бошқарув фаолиятини такомиллаштириш**

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президент И.Каримов раҳномалигида мамлакатимизда илғор архитектура ечимлари, юқори технологик қурилиш материалларини қўллаган ҳолда янги турар жойлар, sanoat объектлари, ўқув юртлари, тиббиёт муассасалари ва бошқа ижтимоий-маиший объектларини қуриш, мавжудларини эса реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шулар билан биргаликда қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, турар жой ва ижтимоий соҳа объектларини намунали лойиҳалар асосида қуриш ҳамда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президент И.Каримовнинг 2010 йил сентябрь ойида қабул қилган “Қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва қурилишни яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ишларни жадаллаштиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Аксарият давлатларнинг тарихий тажрибаси шундат далоат берадики, уй-жой қурилиши ва инфратузилма соҳасини тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида белгилаш миллий иқтисодийни қайта тиклашнинг ҳал қилувчи воситаси бўлиб хизмат қилади. Масалан, Буюк депрессия деб аталган 1930-йиллардаги инқироз даврида АҚШда Президент Рузвелт яқка тартибдаги уй-жой қуришини кредит билан таъминлаш тизимини жорий қилади ва бу ислоҳат иқтисодий ўсишни тиклашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ўз вақтида Германия, Буюк Британия, Скандинавия давлатлари ва бошқа давлатларда иқтисодийни рағбатлантириш ҳамда қайта тиклаш мақсадида ана шундай дастурлар қабул қилинган.

Эксперт марказларининг маълумотларига кўра, иқтисодий ривожланган давлатларда инвестициялари таркибида умумий сармоялар ҳажми 20 фоиздан 40 фоизгача бўлган улуши айнан уй-жой қурилиши соҳасига тўғри келади.

Мамлакатнинг ҳудудларида ташкил этилган 900 дан ортиқ янги ихтисослаштирилган пудратчи қурилиш ташкилотларида бугунги кунда 20 минг нафарга яқин қурувчи меҳнат қилмоқда, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 60 дан зиёд корхона ташкил этилди.

2009-2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастурнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида 650 та янги қишлоқ уй-жой массиви барпо этилди, умумий майдони 3,2 миллион квадрат метр бўлган 23,6 мингдан ортиқ яқка тартибдаги уй-жой қурилди. Ушбу мақсадларга 1,2 миллиард доллардан зиёд миқдордаги инвестициялар йўналтирилди. Узунлиги 732 километр асфалтланган автомобил йўллари, мингдан зиёд ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилди.<sup>6</sup>

“Обод турмуш йили” деб ном олган йилда қилган катта ишлар қаторида янги уй-жойлар барпо этиш алоҳида ўрин тутади.

Бу ҳақда гапирганда, 147 та туманда 10 мингта намунавий уй-жой барпо этилгани ва бунинг учун аҳолига 1 триллион 400 миллиард сўмлик узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ажратилганини таъкидлаш керак.<sup>7</sup>

Қурилиш республикадаги модий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқларидан бири. Республика иқтисодиётида ялпи ижтимоий маҳсулот таркибида солиштирма ҳиссасига кўра саноат ва қишлоқ хўжалигидан кейин 3-ўринда туради. Ялпи ички маҳсулотнинг 7,8% и, халқ хўжалигида банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг 10,34%и қурилиш ишлари билан машғул.

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам каримовнинг «Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатин яхшилаш омили» мавзусидаги конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. 18.04.2013

<sup>7</sup> Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Uz.report.com

Қурилиш халқ хўжалигининг барча тармоқларига хизмат кўрсатиб, асосий фондларнинг қайта такрор ишлаб чиқариш учун шароитларни таъминлайди, халқ хўжалигининг мақбул таркибини барпо этиш, ишлаб чиқарувчи кучларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш, республиканинг янги табиий бойликларини ўзлаштириш, бўш меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасида қурилиш мажмуига республикадаги қурилишга хизмат қиладиган барча муассаса, ташкилот, ишлаб чиқариш бошқармалари ва корхоналари, яъни лойиҳалаштиришдан тортиб, бино ва иншоотларни фойдаланишга топширгунча хизмат қилувчи босқичлар киради.

Ўзбекистон Республикасида қурилиш индустриясининг негизини давлат, акциядорлик, ширкат, хусусий, қўшма ва бошқа пудрат қурилиш-монтажи ташкилотлари, шунингдек, ўз моддий-техника ва ишлаб чиқариш базасига, малакали ишчи ва мутахассис кадрларга эга бўлган корхоналар, транспорт ва бошқа ёрдамчи хўжаликлар ташкил этади. Қурилиш-монтаж ишларининг деярли барчасини ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари амалга оширади.

Бошқарув иқтисодий самарадорлигининг ҳисоб-китобини такомиллаштириш корхона фаолияти ва қурилишни лойиҳалашнинг барча босқичларида амалга оширилади. Самарадорликнинг марказий тушунчаси бу бошқаришнинг самарадорлик мезонидир (муваффақиятлик кўрсаткичи).

Бошқарувни такомиллаштиришнинг лойиҳалаштиришгача бўлган босқичида такомиллаштириш билан шуғулланиш зарурми ёки янги бошқарув тизими нисбатан самаралироқ бўладими, деган масала ҳал қилиниши лозим. Лойиҳалаштириш босқичида бошқарувнинг энг оптимал (мақбул) йўллари, капитал қўйилмалар ва вариантлар бўйича ҳаражатлар миқдори аниқлаб олинади; аниқроқ услублар орқали кутилаётган иқтисодий самара ҳисоблаб чиқилади. Бошқаришни такомиллаштириш бўйича тадбирлар жорий этилгандан сўнг ҳақиқатда эришилган самара миқдорини аниқлаш лозим.

Бошқаришни такомиллаштириш тадбирлари бошқарув аппаратини

қисқартириш, унинг ташкилий таркибини ихчамлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш имкониятини беради. Бу натижаларга эришилганли даражаси қуйидаги кўрсаткичларда ўз аксини топади:

- йиллик иқтисодий самара;
- меҳнат унумдорлигини ўсиши;
- қўшимча сарфланган капитал қўйилманинг қоплаш муддати.

Бошқарув аппаратининг қисқариши оқибатида иш ҳақи фонди тежалади. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулот нархининг пасайишига олиб келади:

$$T_{ик} = T_{бх} * ИХ_б * (1 + \frac{C_{аж}}{100}) \quad (3.1.1)$$

бу ерда,

$T_{ик}$ - тежалган иш ҳақи;

$T_{бх}$ - қисқартирилган бошқарув аппарати ходимлари сони

$\overline{ИХ_б}$  - бошқарув аппаратида банд бўлган ходимларнинг ўртача иш ҳақи;

$C_{аж}$ - социал суғурта ажратмалар фоизи.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши:

$$\Delta MM = \frac{MY_2 - MY_1}{MY_1} * 100 \quad (3.1.2)$$

бу ерда,

$MY_1$  ва  $MY_2$ -тадбир жорий қилингунгача ва жорий қилингандан сўнгги меҳнат унумдорлиги даражаси.

$$MY_1 = \frac{Q_1}{Q_1} \quad MY_2 = \frac{Q_2}{Q_2} \quad (3.1.3)$$

бу ерда,

$Q_1$ -тадбир жорий қилингунгача бўлган ишлаб чиқариш ҳажми;

$T_1$ -тадбир жорий қилингунгача банд бўлган ходимлар сони;

$T_б$ -тадбир жорий қилинганидан сўнгги бошқарув аппаратида бўлган сони.

Агар бошқаришни такомиллаштириш бўйича бир неча муқобил

вариантлар ишлаб чиқилса, у ҳолда бир вариант учун ҳам харажат қилиш кўзда тутилган бўлса, шу вариантни танлаш керак.

Ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштиришни лойихалаштиришнинг барча босқичларида иқтисодий самарадорлик асосий мезон ҳисобланади. Ишлаб чиқариш бошқарувини такомиллаштиришнинг лойихалаштириш олди босқичида, такомиллаштириш нимадан иборат бўлади бошқарувнинг янги тизими юқори даражада самарадорми деган саволлар туғилади. Лойихалаштириш босқичида инвестиция хажмидан, харажатлар гуруҳидан келиб чиқиб юқори иқтисодий самарадорликни аниқ услулари ҳисоблаб чиқилади. Бошқарувни такомиллаштиришда аниқ тадбирлар ишлаб чиқилгандан сўнг қўлланилгандан кейин ҳақиқий эришилган тежамкорлик ўлчови аниқланиши зарур.

Йиллик бошқарув харажатлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- муҳандис – техник ходимлар ва хизматчилар иш хақи;
- материал учун харажатлар;
- ЭХМ ва оргтехникани эксплуатацияси учун сарфланган харажатлар;
- қўшимча ва бир йилда қилинадиган харажатлар (бошқарув техникаси ва ускуналарини сотиб олиш, ташкилий лойихаларини молиялаштириш ва х..)

### **3.2. “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари**

Ҳар қандай ташкилот ўз жамоасини бошқариш биносини (тизимини) яратишда ўзига маъқул қурилиш материалларидан фойдаланади. Бу бино қулай ва мустаҳкам бўлиши учун қуйидаги шартларни бажариш зарур:

- ташкилотни мақсадига эришиши;
- ташқи муҳит ҳолатига мос келиши;
- ташкилий маданиятга тўғри келиши;
- ички яхлитликни таъминлаш;
- ташкилот раҳбариятини катнашиши;

- малакали ва қизиқувчан мутахассисларнинг бўлиши.

Оммавий ишлаб чиқаришни тезлаштириш ҳамда уни самарадорлигини ошириш капитал қўйилмаларнинг оқилона ва тежамли тақсимлашни, қурилиш давомийлигини қисқартириш, амалга киритиладиган асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини тезда ўзлаштиришни талаб қилади. Капитал қурилиш миқёсларини ўсиши билан, бунга ажратиладиган моддий ресурс ва пул маблағларини тежамли фойдаланиш вазифасининг аҳамиятини оширади. Капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини оширишнинг аниқ йўллари кўп қиррали бўлиб, кўп жиҳатдан уни амалга ошириш мақсадлари, ҳажми, жойи вавақтига боғлиқдир. Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошиши ҳамда маҳсулот таннархини камайиши билан ифодаланади. Янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш миллий ҳамда жаҳон тажрибалари асосида ташкил этилиши, ҳамда нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, балки ишчилар меҳнатини энгилаштириш, унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтиришга йўналтирилиши лозим.

Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишдаги биринчи даражали омил - вақт бўлиб, объектлар қанчалик тез ишга тушса шунчалик тез ва кўп маҳсулот ишлаб чиқарилади ва аҳоли эҳтиёжи қондирилади ёки аксинча, қурилиш муддатининг узайиши капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини пасайтиради. Мисол учун, қурилиш муддатининг 10% га узайиши қурилиш монтаж ишларини таннархини 1-2% га оширади. Қурилиш муддатини ҳаддан ташқари узайтириш, битказилмаган, чала қурилишлар ҳажмини кенгайтиради, асосий фондларни жорий этиш режаларини бажарилмаслигига олиб келади.

Капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги қурилишнинг ташкил этилишига, қурилиш ташкилотларининг фаолиятига боғлиқдир. Қурилиш ишлари қанчалик оқилона самарали ташкил этилса, шунчалик кўп янги

корхоналар, уйлар, мактаблар, касалхоналар ва бошқа объектларни қуриш мумкин.

Маълумки, капитал қўйилмалар қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, ускуналарни, инвентарларни сотиб олиш ва бошқа ишларга-лойиҳа кидирув, қурилиш майдонини тайёрлаш, қурилаётган корхона учун кадрларни тайёрлаш ва х.к.ларга сарфланадиган харажатлардан келиб чиқади. Фондларнинг актив қисмига ажратилган маблағнинг улуши қанчалик кўп бўлса, ишлаб чиқаришнинг ва капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Қурилишида ишлаб чиқаришни бошқариш самарадорлиги деганда бевосита бошқарув жараёни, бошқарув фаолияти натижавийлиги тушунилади. Агарда бошқарув фаолияти якуний натижалари жамоа фаолияти якуний натижаларига тўғри келиши эътиборга олинса, айтиш мумкинки, бошқарув жараёни самарадорлиги - бу мураккаб, қиррали ижтимоий-иқтисодий категориядир. Бошқариш самарадорлигининг бундай кўпқирралилиги уни ифода этиш учун тушунчаларнинг кўпгина хилларини келтириб чиқаради.

Бошқарув жараёнининг ўзи бошқарувдаги ходимлар меҳнат фаолиятининг кўп қирралилигидан иборат, демак унга жонли меҳнат нуқтаи-назаридан баҳо берилиши лозим. Лекин, бошқарувда техник воситалар, маълумотлар олдинги меҳнат харажатлари сифатида қўлланилишини ҳисобга олган тарзда бошқарувда муайян натижаларга эришишдаги жами харажатларга иқтисодий баҳо бериш мумкин.

Шу билан бирга бошқарув жараёнларида уларнинг мақсадлари, функциялари, услублари амалга оширилади. Шу нуқтаи назарнинг ўзиёқ бошқарув самарадорлиги тўғрисида гапирганда, унга баҳо беришда бошқарувга тааллуқли қарорларни ишлаб чиқариш ва амалга оширишларнинг ташкилий-иқтисодий тизимини ҳисобга олиш кераклигини кўрсатади. Турли бўғинларда бошқарув жараёни у ёки бу кўринишда бўлади ва бошқарувнинг ҳар бир ташкилий тизими хўжалик юритиш механизми,

бошқарув механизми ва бутун самарадорлик тушунчаси шаклланган муайян ижтимоий-иқтисодий шароитда амал қилади. Бу ерда асосий тушунча атрофида шаклланивчи ҳар бир тушунчалар мажмуи самарадорлик шакллари ва турлари тизими сифатида қаралади.

Кўзланган мақсадига кўра самарадорлик қуйидагича бўлиши мумкин:

а) режавий (истикболга қаратилган динамика ва режалаштириш даражасини билдирувчи);

б) фактик (эришилган даража ва унинг динамиклигини билдирувчи);

в) меъерий ёки потенциал (тизим амал қилишининг энг самарадор шартларига биноан аниқланадиган);

г) лойиҳавий (бошқарувнинг янги тизимини лойиҳалаштиришда аниқланадиган).

Ишлаб чиқаришда бошқарув самарадорлигини ошириш бир-бири билан алоқадор бошқа тушунча ва таснифлар (характерлар) турлари билан ҳам боғлиқ. Бошқарувни баҳолашда қўлланиладиган энг кўп тарқалган таснифлар қуйидагилар ҳисобланади:

- тезкорлик, яъни бошқарувдаги ҳатти-ҳаракатларнинг ишлаб чиқариш мақсадлари, вазифалари ва эҳтиёжлари билан мувофиқлиги;

- оқилоналик (рационаллик), ёки бошқарувни такомиллаштириш, яъни унинг ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг ташкилий жиҳатдан юқори ҳамжиҳатлигини таъминлаш қобилияти, бу эса марказлаштириш, ихтисослаштириш ва бошқарув фаолиятининг бошқа ташкилий жиҳатларида намоён бўлади;

- тежамлилик ёки бошқариладиган объектга нисбатан меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг энг кам харажат билан таъсир кўрсатиш қобилиятини ифодаладиган бошқарув натижавийлиги.

Бошқарув жараёни ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади ва айнан унинг самарадорлиги орқали корхона якуний натижаларини муҳокама қилиш мумкин.

Қурилиш ташкилотларида бошқарув самарадорлигини ресурслар самарадорлигининг таъминотини яхшилаш ҳисобига ошириш мумкин. Қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқаришнинг бошқарув самарадорлиги бевосита бошқарув жараёни ва бошқарув фаолияти натижавийлигига боғлиқ.

Қурилиш корхоналарининг самарадорлигини оширишда қуйидагилар натижасида муаммолар юзага келиши мумкин:

- ҳужжатларнинг қурилиш меъёри ва қоидалари талабларини бузиш ва зид равишда олиб борилиши;

- қурилиш-монтаж ишларининг мажбурий талабларини бузиш асосида бажарилиши;

- қурилиш соҳаси бўйича маълумоти бўлмаган шахсларнинг маъсулиятли лавозимларда ишлаши;

- республикамизда лойиҳалаш ва қурилиш сифатини яхшилаш, архитектура талабларига риоя қилиш, қурилиш меъёрлари, қоидалари ва стандартларига риоя қилиш, қурилиш ишларининг белгиланган муддатлари пудрат ташкилотлари томонидан бажарилиши устидан назоратни кучайтиришга қаратилган тадбирлар олиб борилиши керак. Бу ўринда қурилётган ва фойдаланилаётган бино ва иншоотларни ушлаб турувчи конструкциялари ҳолатини доимий назорат қилиш, қурилиш ходимларни белгиланган тартибда қайта ўқитиш, қурилишда техника хавфсизлиги, меҳнат ҳимояси меъёр ва қоидаларига риоя қилишни доимий олиб бориш билан боғлиқ тадбирларнинг етарли даражада бажарилмаслиги.

Республикамизда қурилиш тармоғидаги иқтисодий ислоҳатларни яна чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантиришнинг асосий масалари қуйидагилардан иборат:

- аҳоли ва халқ хўжалигининг қурилиш маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш;

- қурилиш муддатлари ва баҳосини камайтириш;

- қурилиш маҳсулотларини сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш;

- қурилишда материал ва энергия сифimini камайтириш мақсадида ресурсларни тежайдиган тараққий технологияларни қўллаш;

- қурилиш ташкилотлари машина паркини ва техник базасини янгилаш;

- республикамиздаги қулай инвестицион муҳит, яъни солиқ юкининг камайганлиги, фоиз ставкаларининг пастлиги ва қарзларнинг арзонлиги имкониятларидан унумли фойдаланиш.

Қурилиш корхонасида ишлаб чиқариш менежментининг моҳияти иқтисодий мавжуд ресурслардан фойдаланишнинг ҳар бирлигига тўғри келадиган иқтисодий натижаларни кўпайтиришдан иборат. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш мавжуд капиталдан энг унумли йўл билан жорий харажатларнинг сарфини тежаш ҳисобига эришилади. Илмий техник тараққиёт иқтисодий самарадорликни оширишнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, тараққий технологияларни кенг жорий этиш, меҳнат ва моддий харажатларни камайтирадиган янги материаллардан фойдаланиш, шунингдек энг муҳим ишлаб чиқаришда самарадорликка эришиш тўғридан-тўғри тежаш режимига боғлиқ. Ресурсларни тежаш ёнилғи, энергия хом ашё, материалларга ўсиб келаётган эҳтиёжини ҳал қилувчи манбасидир. Бу масалаларни ечишда моддий хом ашё, ёнилғи ресурсларидан юқори даражада фойдаланишни қурилиш тармоғи машина, ускуналар билан таъминлаш, кам чиқинди ёки чиқиндисиз юқори технологияларни қўллаш масалаларни ҳал қилиш зарур.

Фундаментал ва илмий тадқиқотлар илмий техник тараққиётни тезлаштиришга ва ишлаб чиқаришнинг менежментини оширишга олиб келади. Уларга қуйидагилар киради:

- қурилиш муддати ва пудратларни оқилона танлаш;

- маҳсулот ишлаб чиқариш номенклатурасини оптималлаштириш;

- ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш;

- хом-ашё, материаллар ва конструкцияларнинг оптимал бошқарилуви;

- малакавий маркетинг.

## Хулоса

Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида бўлгани каби капитал қурилиш тармоғида ҳам иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, тармоқда бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талабларига мос келадиган хўжалик муносабатларини кенг жорий этиш, пудрат, лойиҳа ишлари ва қурилиш материалларининг ривожланган бозорларини шакллантириш, қурилишда нарх белгилаш механизмини такомиллаштириш, лойиҳаларни амалга оширишнинг пировард натижалари ва самарадорлиги учун инвестиция жараёни барча қатнашчиларининг маъсулиятини ошириш бугунги кунда тармоқ корхоналари олдида турган энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Замонавий шароитда капитал қурилишда бошқарув ва хўжалик муносабатлари тизимига бозор тамойиллари ҳамда механизмларини кенг жорий этиш, лойиҳа ва қурилиш ишларини бажаришга буюртмалар жойлаштириш танлов савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш даражасини ошириш ва шунингдек кўпгина бошқа йўналишларда иш олиб бориш давр талаби. Бундан кўришиб турибдики ҳозирги пайтда қурилишда бошқарув ва ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини ошириш замон талабидир.

Иқтисодиётни модернизациялаш ўз навбатида корхона иқтисодий салоҳиятининг бошқарув тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар мажмуасини жиддий англаш ва тадқиқ қилишни талаб этади.

Битирув малакавий ишида маълум бўлдики, корхоналарда бошқарув самарадорлигини ошириш аввало, амалиётда инновацияларни киритишни жадаллаштириш турли (инсон, молиявий, моддий) ресурслардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш орқали амалга оширилади.

Амалда баъзи қурилиш ташкилот ва корхоналарда бошқарув самарадорлигини ошмаганлигига уларда ҳалиям эскича фикрлаш, бошқарувнинг бозорга хос бўлмаган усулларида фойдаланиш амалиётининг мавжудлиги, инновацион бошқарув тизимининг янги хўжалик юритиш шароитларига мослашмаганлиги каби сабаблар таъсир этмоқда.

Бу ўз навбатида амалда қурилиш ташкилотларида бошқарув самарадорлигини янада ошириш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Республикамызда лойихалаш ва қурилиш сифатини яхшилаш, архитектура талабларига риоя қилиш, қурилиш меъёрлари, қоидалари ва стандартларига риоя қилиш қурилиш ишларининг белгиланган муддатлари пудрат ташкилотлари томонидан бажарилиши устидан назоратни кучайтиришга қаратилган тадбирлар олиб борилмоқда. Бу ўринда қурилиш корхоналари бошқарув самарадорлигини ошириш, қурилиш корхоналарида ишловчи ходимларни белгиланган тартибда қайта ўқитиш, қурилиш техника хавфсизлиги, меҳнат ҳимояси меъёр ва қоидаларига риоя қилишни доимий олиб бориш билан боғлиқ тадбирлар қурилиш махсулотининг сифатини яхшилашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Битирув малакавий ишимизда тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқилган “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг 2011-2013 йиллардаги асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган бўлиб, унга кўра сотишдан тушум 2011 йилда 514300 минг сўмни, 2012 йилда 990000 минг сўмни, 2013 йилда 2214344,4 минг сўмни ташкил қилган. Бажарилган ишларнинг ишлаб чиқариш таннархи 2011 йили 482202 минг сўмни 2012 йилда 941704.8 минг сўмни 2013 йилда 1891912,4 минг сўмни ташкил қилди. Соф фойда 2011 йилда 3269 минг сўмни, 2011 йилда 672902,5 минг соъмни, 2012 йилда 17056.4 минг сўмга ошиб, 1288901 минг сўмни ташкил қилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, битирув малакавий ишида қуйидаги таклиф ва тавсияларни чиқариш мумкин:

“Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖ нинг 2011-2013 йиллардаги хўжалик фаолиятини таҳлил қилганимызда, унинг фаолиятида самарадорликка эришганини ва жамиятнинг нафақат вилоят миқёсида балки Республикада етакчи қурилиш ташкилотларидан бирига айланиши учун жамият раҳбар томонидан изланишлар олиб борилётганини, қисқа вақт ичида

Шовот туманининг етакчи пудратчи ташкилотларидан бирига айланганлигини кўрдик.

Таннарх даражаси қурилиш корхонасининг бевосита корхонанинг ўзи томонидан белгиланади. “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг қурилиш маҳсулоти таннархини қуйидаги чораларни амалга ошириш ҳисобига камайтириш мумкин:

- юқори унумли машина механизмлардан фойдаланиш. Машина механизмларни ижарага олмасдан кредит ҳисобига сотиб олиш;

- иш режимини ўзгартириш ҳисобига сменалар сонини оптимал даражада ташкил этиш;

- қурилиш корхонаси бошқарувини қайта ташкил этиш;

- малакага эга бўлмаган ишчи ходимларнинг ўрнига янги ишчи ходимларни ишга олиш ёки ишчи ходимлар малакасини ошириш;

Ўйлаймизки юқоридаги масалалар атрофлича ҳал этилса, “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг тендер савдоларида янада кўпроқ иштирок этиш имкониятлари ошади.

“Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг келгусида иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш учун аввало унинг тасарруфида қоладиган соф фойда улушини ошириш зарур. Фикримизча, бунга қуйидагилар орқали эришиш мумкин:

- корхонани юқори даражада самарали бошқариш учун коммуникация, маркетинг таъминоти ва қарор қабул қилиш тўғри йўлга қўйилган бўлиши лозим;

- корхона қошида бозорни ўрганувчи “маркетинг хизмати бўлими”ни ташкил этиш;

- корхонанинг ҳозирги аҳволдан келиб чиққан ҳолда истиқболли бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқиш зарур;

- “Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичига таъсир этувчи энг муҳим омилларни аниқлаб бориш;

-ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш учун бошқарувчи ходимлар малакасини ошириш лозим, бунинг учун уларни илғор ишлаб чиқариш корхоналарига ва бозор бошқаруви бўйича таълим берувчи қисқа ўқув курсларида ўқитиш. Керакли малакали мутахассисларни ишга олиш ва ортиқча маъмурий харажатларни камайтириш йўлларини ишлаб чиқиш;

-корхоналарда инновацион бошқарув самарадорлигини ошириш учун чет эл инвестицияларини киритиш ва чет эл корхоналари билан тажриба алмашинувини йўлга қўйиш;

-“Шовот махсус бино қурилиш” МЧЖнинг ишлаб чиқариш фаолиятини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қурулантириш, замонавий, мослашувчан илғор технологияларни кенг жорий этиш орқали маҳсулот таннархини камайтириш ва унинг сифатини ошириш;

-бошқарув тизимидаги раҳбар ходимларни функционал вазифалари оптимал тақсимлагнишига эришиш ва улар ўртасидаги бошқарувчанлик муносабатларини яхшилаш;

-қурилишда меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилишга эришиш;

- қурилиш ишларида лойиҳа-смета ҳужжатларидан четга чиқишларга йўл қўймаслик;

-корхонада электрон ҳужжат айланишини йўлга қўйиш бунинг учун локал сетларни ташкил этиш, кейинчалик ташқи ҳамкорлар билан боғланувчи сетларни ташкил этиш ва корхонанинг “электрон манзилини” ташкил этиш.

-корхонада меҳнатни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақи тўлаш тизимини бригада пудратларини шакллантириш ва меҳнатга ҳақ тўловнинг бошқа шакллари татбиқ қилиш орқали такомиллаштириш лозим.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - Т.:“Ўзбекистон”, 2012.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 мартдаги “Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2137-сонли қарори.
3. “Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони (06.05.2003 й., № ПФ-3240).
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.– Тошкент, “Ўзбекистон”, 2009. - 54 б.
5. Каримов И.А. “Замонавий уй-жой қурилиши-қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // “Куч-адолатда”, 2013 йил 19 апрель, №16.
6. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.
7. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Uz. Report.com
8. Абдуллаев Ё. Иқтисодий таҳлил: 100 саволга 100 жавоб. - Тошкент: “Меҳнат”, 2001.

9. Абдуллаев А. ва бошқалар. “Кичик бизнесни бошқариш”. – Тошкент: 2003 й.
10. Ваҳобов А.В., Абдуллаев Ё.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2009. - 192 б.
11. Глухов В.В. Менежмент: учебник.-СПБ.:Спецлит.2007.с.361
12. Зайнутдинов Ш. Н. ва бошқалар. “Менежмент асослари”. Дарслик - Т: Молия, 2001
13. Зиявитдинова Н. М, Ўринов Й. М, Хайитов Ш. Н «Менежмент» тафаккур бўстони-Т-2012.
14. Каримова О. У, Мусаева Н. М. Менежмент асослари: ўқув қўлланма.- Т.: ТАҚИ, 2010.
15. Мухитдинов Х. А, собиров А.А, “Бошқарув назарияси”. Т:Чўлпон-2012
16. Нурибетов Р.И. Корпоратив бошқарув: ўқув қўлланма .- Т.: ТАҚИ, 2012.
17. Нурибетов Р.И., Аҳмедов С.И. Ишлаб чиқариш менежменти: ўқув қўлланма. .- Т: Талқин, 2008.
18. Сергеев И. В. Веретиннокова И.И. Экономика организаций (предприятий) учебник под ред. ред. И. В. Сергеева.3-изд.перараб, и доп.- М., Велби, издательство “Перспект”, 2006.
19. Қудратов Т., Файзиева Н. Корхоналар фаолиятининг таҳлили ва назорати. – Т.: Ворис, 2012.
20. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. - Т.: 2001.
21. Юлдашев А, Сирожиддинов И, Хусаинов М. Молиявий менежмент: ўқув қўлланма.- Т: Ворис, 2013.

#### **Интернет сайтлари:**

1. <http://www.gov.uz>
2. <http://www.stat.uz>

3. <http://www.biz.uz>
4. <http://www.press-service.uz>
5. <http://www.lex.uz>
6. <http://uz.report.com>